



“Янги Ўзбекистон” минбари

ЯНГИЧА ШАРОИТДА
ИШЛАШНИ ЎРГАНИШ ЙЎЛИДАЎзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири
Абдулазиз КОМИЛОВнинг “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари бош муҳарририга интервьюси

— Бугунги кунда жаҳон миқёсидаги ва миллий даражадаги сиёсий мунозараларнинг асосий мавзуси глобал пандемия инқирозининг дунё давлатлари сиёсатига таъсири бўлиб қолмоқда. Кўплаб экспертлар мамлакатларнинг инқирозгача бўлган ривожланиш суръатлари ва давлатлараро муносабатларнинг аввалги даражасини қайта тиклаш ва уларни сақлаб қолиш учун ресурслари ва имкониятлари йўқлиги ҳақида фикр билдиришмоқда. Сиз шундай нуқтаи назар ҳақида нима дея olasiz?

— Коронавирус пандемияси кенг миқёсли ва, кўриниб турганидек, узоқ муддатли таъсир кучига эга, бир кеча-кундузда тугамайдиган глобал ҳодиса сифатида аллақачон замонавий дунё жараёнларининг барча соҳалари — сиёсат, иқтисодиёт, маданият, экология, инсон тараққиётида сезиларли ўзгаришларга сабаб бўлди. Кўплаб мамлакатларда соғлиқни сақлаш инқирози шу пайтгача мавжуд бўлган иқтисодий муаммолар, ижтимоий ва гендер тенгсизликлари янада кучайтирди, бугун қатор минтақалар дуч келаётган табиий офатларнинг салбий таъсирини оширди. Шунингдек, у давлатларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва халқаро фаолиятнинг устувор йўналишларини ўзгаришига ёки тузатишлар киритишга мажбур қилди. Бундай шароитда инсониятнинг турмуш тарзи ҳам ўзгариб бормоқда.

Шу сабабли атрофимиздаги тез ўзгараётган дунё ҳақида гапирганда унинг

нафақат “пандемик ўлчови”, балки ўзаро боғлиқ бўлган янги ҳодисаларнинг бутун бир жамланмасини назарда тутиш керак. Улар турли мамлакатларнинг ички ҳаётини, халқаро сиёсат, дунё иқтисодиёти, жаҳон ҳўжалик муносабатларини, шунингдек, глобал ахборот, технологик ва ижтимоий-гуманитар алоқаларни қамраб олмақда. Умуман олганда, сўз шаклланаётган сифат жиҳатидан янги халқаро муносабатлар тизими, эҳтимол тубдан ўзгарган янги дунё тартиби ҳақида кетмоқда.

Ушбу муносабатлар нафақат сиёсий, иқтисодий асосларни, балки, эътибор қаратмоқчиманки, замонавий дунё тартиби қадриятларини жиддий қайта қўриб чиқиш жараёнида шаклланаётган. Аниқроқ қилиб айтганда, буни, масалан, айрим давлатларнинг миллий эгоцентризм, деб аталмиш хусусиятлари кучайишида, кўплаб ҳукуматларнинг, авваламбор, ўз мамлакатлари ёки ҳатто уларнинг алоҳида сиёсий доираларининг манфаатларини таъминлашга интилишида кўриш мумкин. Шундай ҳам ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий, гуманитар ривожланиш босқичи жиҳатидан сезиларли даражада фарқ қиладиган давлатларнинг тенгсизлиги тобора кучаймоқда. Айрим давлатлар ўртасидаги зиддиятлар чуқурлашиб, ахборот, технологик, санкциявий урушларнинг янада кескин босқичларига айланиб бормоқда. Биз дунёнинг турли минтақаларида зўраонлик ва ҳарбий инқирознинг авж олишига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Афсуски, буларнинг барчаси дунёнинг етакчи давлатлари муносабатларидаги тизимли кескинликлар муҳитида содир бўлмоқда. Бирор-бир давлатни четлаб ўтмаган пандемия шароитида ушбу кескинлик умумжаҳон муаммоларига ечим топишга, жумладан, камбағаллик, қашшоқлик ва очлик, хавфли касалликлар ва иқлим ўзгариши оқибатларига қарши курашишга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. COVID-19 нинг чегара ёпилиши, карантин зоналари белгиланиши, таъминотнинг узилиши ва бошқа кўринишдаги тўғридан-тўғри таъсири билан бирга, турли глобал “ўйинчи”лар ўртасидаги халқаро сиёсий номуаносибликлар дунё миқёсидаги ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни сотиш занжирларининг бузилиши, эркин савдога зарар етиши, инвестициялар оқими ва иқтисодий алоқаларнинг сусайишига олиб келмоқда.

Халқаро майдондаги қоидалар янада қатъийлаштириш мумкин. Биз давлатлар-

аро муносабатлардаги сиёсий эгоизм ортада қолиб, дунёнинг барча етакчилари томонидан пандемияга қарши курашиш ва бошқа умумий муаммоларни ҳал қилиш жараёни саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, ҳамжиҳатлик ва бирдамликни талаб қилаётганини англатишига умид қиламиз.

Шу маънода Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи ва БМТ шафелигида Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқиш бўйича ташаббуси алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу ҳужжатда ҳар бир давлатнинг ўз фуқаролари ва халқаро шериклар олдидаги мажбуриятлари акс этиши керак.

Президентимиз сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликнинг юзага келаётган масалаларини ўз вақтида ҳал қилиш ва пандемияни бартараф этишда тизимли алоқаларни амалга ошириш учун хорижий мамлакатлар, дунёнинг етакчи давлатлари раҳбарлари билан мунтазам алоқаларни йўлга қўйганини таъкидлашни истардим.

Ушбу янги шароитларда Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистоннинг дипломатик ваколатхоналари халқаро майдонда рўй бераётган ўзгаришларнинг моҳиятини чуқур англаши ва уларни ўз фаолиятида ҳисобга олиши керак, деб ҳисоблайман.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати фақат дунёдаги воқеаларга муносабат билдириш билан чегараланишдан ёки халқаро муносабатлар оқимида ҳаракатланишдан иборат бўлиши керак эмас. Ташқи сиёсат пухта уйланган, амалий, фаол ва ташаббускор мазмун касб этиши зарур.

Давоми 2-бетда


Муносабат

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш
ва нарх-наво асоссиз ўсишининг олдини
олиш қатъий эътиборда бўлади

Дунёда коронавирус пандемияси бошланганига ҳам ҳадемай бир йил бўлади. Ана шу даврда кўплаб соҳалар каби озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги тармоғи ҳам мураккаб вазиятга тушиб қолди. Чунки мамлакатлар ўртасидаги ўзаро алоқалар, хусусан, озиқ-овқат етказиб беришнинг глобал занжирлари узилишлар рўй берди. Дунёнинг ривожланган давлатлари ҳам аҳолининг муҳтож қатламини озиқ-овқат билан таъминлашда кўплаб муаммоларга дуч келди. Айрим давлатларда озиқ-овқат хавфсизлиги борасидаги сиёсат етарли эмаслиги яққол кўзга ташланиб қолди.

Давоми 3-бетда

Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига

САМАРҚАНД
НАВОЙШУНОСЛИК
МАКТАБИ

Муслиҳиддин МУХИДДИНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
ёшлар мураббийси,
“Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби

Алишер Навоийнинг бебаҳо мероси нафақат туркий халқлар, балки бутун башариёт учун бамисоли обиҳаёт манбаи, барҳаёт маънавий сарчашмалардан бири ҳисобланади. Олти асрга яқин муддатда туркий тафаккур қарвонига сарбонлик қилиб келаётган ушбу мутафаккир шоир ва беназир шахснинг ҳаёт маслағи, тенгсиз тафаккур даҳоси ва ҳар бир сатри олтинга тенг бўлган асарлари одамлиликнинг олий сабоғидир. Шоир асарларидаги умуминсоний ва барҳаёт ғоялар ушбу бадий ижод намуналарини талқин ва тадқиқ этиш барча замонлар учун долзарблигини кўрсатади.

Давоми 6-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

Қарорга мувофиқ, қуйдагилар ташкил этилади:

ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ (ИНСПЕКЦИЯ) ТИЗИМИДАГИ ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ИЛМИЙ МАРКАЗИ НЕГИЗИДА ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ (МАРКАЗ);

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТЕРМИЗ, НУКУС ВА САМАРҚАНД ФИЛИАЛИДА ҲАМДА АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИДА МАРКАЗНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЛАБОРАТОРИЯЛАРГА ЭГА БЎЛГАН МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛЛАРИ.

МАРКАЗ ВА МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛЛАРНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИ РЕСПУБЛИКА ХУДУДИДА КАТТА ИҚТИСОДИЙ ЗАРАР КЕЛТИРИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛИ ОРГАНИЗМЛАРНИНГ ФИТОСАНИТАР ХАВФ ТАҲЛИЛИНИ ЎТКАЗИШ ВА УЛАР КИРИБ КЕЛИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ИЛМИЙ АСОСЛАНГАН ФИТОСАНИТАР ЧОРАЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ ҲИСОБЛанади.



2021 йил 1 январдан хусусий сектор томонидан ташкил этилган, АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТГАН КАРАНТИН ЛАБОРАТОРИЯЛАРИ ТОМОНИДАН ЭКСПОРТГА ЮКЛАНАЁТГАН МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИГА ВА БОШҚА МАТЕРИАЛЛАРГА ХУЛОСА БЕРИШГА РУХСАТ БЕРИЛАДИ.



2021 йил 1 апрелдан РЕСПУБЛИКА ХУДУДИГА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДАН МАҲСУЛОТЛАРИНИ ОЛИБ КИРГАН ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ (САМОКЎРЛАР, ТЕМИР ЙЎЛ ВАГОНЛАРИ ВА КОНТЕЙНЕРЛАРИ, ЮК АВТОМАШИНАЛАРИ) ЮКХОНАЛАРИНИ КАРАНТИН НАЗОРАТИДАН ЎТКАЗИШ ВА “ДЕТЕКТОР – ХИЗМАТ ИТ” ЛАБИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲАМДА ЗАРУР ҲОЛЛАРДА ФУМИГАЦИЯ ҚИЛИШ (ЗАРАРСИЗЛАНТИРИШ) ТИЗИМИ ЖОРИЙ ҚИЛИНАДИ.



2020 йил 1 ноябрдан ўз хуудидида АНИҚЛАНГАН ЗАРАРЛИ ОРГАНИЗМЛАР ҲАМДА ФИТОСАНИТАР ДАЛА НАЗОРАТИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА ИНСПЕКЦИЯГА ИХТИЁРИ МУРОЖААТ ҚИЛГАН ВА УЛАРНИНГ ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТГАН ШАХСЛАР МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИҚДАН ОЗОД ҚИЛИНАДИ.

2021/2022 ўқув
йилидан бошлаб:

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИНИНГ НУКУС ФИЛИАЛИДА ЎСИМЛИКЛАР ВА ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ КАРАНТИНИ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА;

БАРЧА ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИГА ИХТИСОСЛАШГАН ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА “ЎСИМЛИКЛАР ҲИМОЯСИ ЛАБОРАНТИ” ВА “ЎСИМЛИКЛАР ҲИМОЯСИ ВА КАРАНТИНИ АГРОНОМИ” КАБИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ.

2020 йил 1 декабрда ҚАДАР “Е-FIGO” АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН АХБОРОТ ТИЗИМИ БАЗАСИДА “ДАЛАДАН ЭКСПОРТГАЧА” БЎЛГАН ЗАНЖИРНИ ҚАМРАБ ОЛУВЧИ ТИЗИМ ЯРАТИЛАДИ.

Ҳуқуқий ахборот телеграм канали маълумотлари асосида тайёрланди.

“Янги Ўзбекистон” минбари

ЯНГИЧА ШАРОИТДА ИШЛАШНИ ЎРГАНИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз КОМИЛОВнинг “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳарририга интервьюси

Бошланиш 1-бетда

Шу муносабат билан, айниқса, ахборот-таҳлилий ва прогнозлаш ишларининг амалий аҳамияти ортиб бормоқда. Бу йўналишда зарур чоралар кўрилмакда, соғлиқни сақлаш ва иқтисодиёт соҳасидаги инқирозли ҳодисаларга қарши курашишдаги илғор хорижий тажрибани ўрганиш бўйича тизимли ишлар олиб боришда ва дунёдаги эпидемиологик вазият доимий равишда таҳлил қилинмоқда. Ташқи ишлар вазирлиги бошқа идоралар билан биргаликда жаҳон сиёсати ва иқтисодиётининг муҳим муаммоларини ўрганмоқда, замонавий шароитларда шериклар билан икки ва кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, миллий экспортни қўллаб-қувватлаш, туризм соҳасини тиклаш ва бошқа долзарб масалаларни ҳал қилиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқмоқда.

— Айтинг-чи, пандемия ташқи сиёсат идораси фаолиятининг ташкилий жиҳатларига қандай таъсир ўтказди?

— Дарҳақиқат, пандемия мамлакатлар ҳаётининг барча жабҳаларига ўз таъсирини ўтказди, давлат органлари, шу жумладан, ташқи ишлар маҳкамалари фаолиятини ташкил этишни жиддий равишда ўзгартирди. Табиийки, биз ҳам ўз ишмизни кўп жиҳатдан, авваламбор, сиёсий ва дипломатик алоқалар, давлатлараро ҳамкорлик ва сиёсий маслаҳатлашувларни амалга оширишнинг янги механизмларидан самарали фойдаланган ҳолда қайта қуришимизга тўғри келди.

Айтиш мумкинки, пандемия бизга маълум бўлган салбий оқибатлари билан бир қаторда инсониятни алоқаларнинг янги шаклларини излаб топишга ундади, рақамлаштириш жараёнлари ва янги технологик асрга яқинлашишни тезлаштирди. Ҳеч бир давлат бу жараёндан четда қола олмайди. Ўзбекистон ҳам тўлақонли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, ташқи сиёсатдаги устувор вазифаларни бажаришда замонавий технологиялар имкониятларидан фавқулодда фойдаланмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев замонамизнинг янги талабларига риоя қилиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратмоқда: “Ҳаётимизни нормал изга солиш, иқтисодиётимизни тиклаш учун пандемия шароитида яшаш ва меҳнат қилишга ўрганишимиз, барча эҳтиёт чораларини кўрган ҳолда, бу борада бошлаган ишларимизни темир интизом билан давом эттиришимиз керак”.

Акс ҳолда иқтисодиётимизнинг узлуксиз ривожланишини, шу жумладан, жамиятнинг барқарор ҳаёти учун энг муҳим шартлардан бири бўлган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаб бўлмайди.

Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналари ўз фаолиятини янги шароитларга мослаштириб, турли даражадаги халқаро учрашувлар ва музокаралар, иқтисодий тадбирларни ўтказишда, консуллик хизматлари кўрсатишда, шунингдек, халқ дипломатиясини кенгайтиришда электрон алоқа воситаларидан самарали фойдаланмоқда. Бошқача айтганда, халқаро сиёсатда рақамли дипломатияни ривожлантиришнинг глобал тенденцияларидан ортда қолмасликка ҳаракат қилинмоқда.

— Бу аввалги йилларда бўлгани каби жорий йилда ҳам халқаро тадбирлар фаол ўтказилаётганини аниқлади. Шунга қарамай, белгиланган баъзи режалар дунёдаги оғир эпидемиологик вазият туғйили бажарилмай қоляпти, дейиш мумкинми?

— Мен яқинда оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон ташқи сиёсатининг долзарб масалалари ҳақида батафсил сўзлаб берган эдим. Фикрларимни

такрорламаган ҳолда пандемия шароити билан боғлиқ баъзи масалаларга тўхталиб ўтмоқчиман. БевоСИта юзма-юз учрашувлар сони, албатта, камайди, баъзиларининг муддатини эса кейинроққа қолдиришга тўғри келди. Гап, эътибор беринг, бу тадбирларни бекор қилиш эмас, балки кейинги муддатларга кўчириш ҳақида кетмоқда. Шу билан бирга, шерикларимиз билан ташқи сиёсий мулоқот сусайгани йўқ, аксинча, у жадал давом эттирилмоқда.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг жорий йил Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига раислиги доирасида режалаштирилган қўллаб-тадбирларни бекор қилмасдан, уларни эпидемиологик хавфсизлик қоидаларига риоя қилган ҳолда бевоСИта ҳамда видеоконференция шаклида муваффақиятли ўтказдик. МДҲ доирасида ва Ҳамдўстликка аъзо давлатлар билан икки томонлама даражада 200 дан ортиқ тадбир ташкил этилди. Улар орасидан турли тузилмаларнинг қўйидаги йиғилишларини эслаш мумкин. МДҲ Иқтисодий кенгаши — улардан бири (13 март) Москвада бевоСИта шаклида, иккитаси (30 июнь ва 15 сентябрь) видеомаслаҳат воситасида, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши (12 май), Ҳукумат раҳбарлари кенгаши (29 май), Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик бўйича кенгаш (30 июль), Бизнес ташаббуслари ҳафталиги (9-15 сентябрь), МДҲ Иқтисодий форуми (9 сентябрь); Минтақалараро ва чегараолди ҳамкорлик кенгашининг йиғилиши (10 сентябрь) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти жорий йил 24 июнь кунин Буюк ғалабанин 75 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қатнашиш учун Москвага ташриф буюрди. 12 октябрь кунин Бухорода Россия Федерацияси билан ҳукуматлараро комиссиянинг 21-йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбир доирасида сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари, ишлаб чиқариш, энергетика ва соғлиқни сақлашнинг турли секторларида инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш, миграцияга оид ва мамлакатларимиз учун муҳим бўлган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

МДҲ Ҳукумат раҳбарлари ва Давлат раҳбарлари кенгашларининг йиғилишлари, Ўзбекистон ва Россия ҳукуматлари раҳбарлари қўшма комиссиясининг иккинчи йиғилиши, Ҳамдўстлик давлатлари Президентларининг норасмий саммити ва бошқа муҳим тадбирлар кун тартибиде турибди.

Яқинда Марказий Осиёнинг беш мамлакати ва Россия ташқи сиёсат идоралари раҳбарларининг учинчи йиғилиши виртуал учрашув шаклида бўлиб ўтди.

Бошқа устувор йўналишларда ҳам ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқалар фаол амалга оширилмоқда. Жорий йил 27 май кунин ташқи сиёсат идоралари раҳбарларининг Ўзбекистон-АИР-АҚШ уч томонлама учрашуви ҳамда қўшни Афғонистонда иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлаш ва барқарорликни тиклаш бўйича шу форматдаги қатор амалий учрашувлар ташкил этилди. 30 июнь кунин Марказий Осиёнинг беш мамлакати ва АҚШ вазирлари учрашуви (C5+1), Америка делегациялари билан иқтисодий ташрифлар ва икки томонлама даражадаги музокаралар ўтказилди.

Ўзбекистон жорий йил бошқа кўп томонлама минтақавий форумларда фаол иштирок этди. Уларнинг беш мавзусини COVID-19 га қарши курашишда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва тажриба алмашиш масалалари ташкил қилди. Мен “Бир макон, бир йўл”, “Марказий Осиё-Хитой” видеоконференциялари, “Япония+Марказий Осиё” мулоқотини назарда тутаяман.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги олий даражадаги алоқалар натижасида ташкил этилган Икки томонлама лойиҳаларни мувофиқлаштириш ва амалга оширишни рағбатлантириш бўйича Ўзбекистон-Ҳиндистон қўмитасининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Покистон билан савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш, шу жумладан, Ўзбекистоннинг Товарларни транзит қилиш бўйича тўрт томонлама (Хитой, Қозғистон, Қирғизистон ва Покистон) келишувга қўшилиши бўйича музокаралар олиб боришмоқда.

Биз Европа мамлакатлари, шунингдек, бошқа аънанавий шерикларимиз билан муносабатларда ижобий динамикани сақлаб қолишга муваффақ бўлдик. Эпидемиологик инқироз Европа Иттифоқи билан турли соҳаларда ўзаро манфаатли шериклиқни чуқурлаштириш мақсадида



Жорий йил 13 октябрь кунин Ўзбекистон 2021-2023 йилларда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайлангани узоқни кўзлаган режаларимиз глобал инқирозга қарамасдан амалга оширилаётганидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси сайловда халқаро миқёсда кенг қўллаб-қувватланди ва Осиё минтақаси номзодлари орасида энг кўп овоз олди. Бу муваффақиятга эришишда мамлакатимиз раҳбариятининг демократик ва бозор ислохотларини давом эттириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга ҳисса қўшишга содиқлиги асос бўлди.

юқори даражадаги мулоқотни изчил фаоллаштиришга тўсқинлик қилолмади. Ўтган йили Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим тузиш бўйича бошланган музокаралар давом эттирилмоқда. Бугун уларнинг 7-турига тайёргарлик кўришмоқда.

Европа Иттифоқи Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш ва Европа Иттифоқининг “GSP+” — “Преференциялар бош тизими”нинг манфаатдор давлати мақомини олиш бўйича ҳаракатларини қўллаб-қувватламоқда.

COVID-19 нинг жаҳон, шу жумладан, Европа иқтисодиётига салбий таъсири шароитида Европадаги шерикларимиз пандемия оқибатларини бартараф этиш учун Ўзбекистонга 30 миллион евродан ортиқ маблағ ажратди. Норвегия, Финляндия ва Европа Иттифоқи Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида Траст фондига молиявий ёрдам кўрсатди.

Яқин Шарқ ва Форс кўрфазини давлатлари билан ўзаро муносабатлар Ўзбекистон ташқи сиёсий ҳамкорлигининг изчил ривожланаётган йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Қўллаб-қувватлаш халқаро масалалар, авваламбор, мусулмон дунёсини давлатларининг барқарор ривожланишини таъминлаш, маърифий ислом ва бағрикенглик ғояларини тарғиб қилиш нуктаи назаридан бизнинг ёндашувларимиз жуда яқин.

Яқин Шарқ давлатлари раҳбарияти билан олий ва юқори даражадаги мунтазам алоқалар ўрнатилган, сиёсий маслаҳатлашувлар амалга оширилмоқда. Бирлашган Араб Амирликлари Ўзбекистонга коронавирусга қарши курашишда бирдамлик ва ҳамжиҳатлик ифодаси сифатида ўлкани сунъий шамоллатиш аппаратлари, кислород концентраторлари, ПЗР-лабораториялар ва бошқа табибий асбоб-ускуналар шаклида инсонпарварлик ёрдами кўрсатди.

Жорий йил 13 октябрь кунин Ўзбекистон 2021-2023 йилларда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайлангани узоқни кўзлаган режаларимиз глобал инқирозга қарамасдан амалга оширилаётганидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси сайловда халқаро миқёсда кенг қўллаб-қувватланди ва Осиё минтақаси номзодлари орасида энг кўп овоз олди. Бу муваффақиятга эришишда мамлакатимиз раҳбариятининг демократик ва бозор ислохотларини давом эттириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаат-

ларини ҳимоя қилишга ҳисса қўшишга содиқлиги асос бўлди.

— Ташқи ишлар вазирлиги, дипломатик ваколатхоналар ва консуллик идораларининг асосий вазифаларидан бири Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий манфаатларини таъминлашга ёрдам беришдан иборат. Бугун ушбу йўналишдаги фаолият қандай аниқ мақсадларга қаратилган ва дунёдаги мавжуд қийин вазият унинг самарадорлигига қандай таъсир кўрсатди?

— Ўзбекистон иқтисодий дипломатиясини изчил мустаҳкамлашмоқда. Қизғин шундаки, пандемия даврини синовлари мазкур жараён самарадорлигининг асосий сабабларидан бири бўлди. COVID-19 миллий компаниялар экспортини қўллаб-қувватлаш, инвестициялар ва технологияларни жалб қилиш бўйича саъй-ҳаракатларни жадаллаштиришга ундамоқда. Бу янги иш ўринлари яратиш, инқироздан тикланишга амалий ёрдам демакдир.

Ташқи ишлар вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Маҳаллий корхоналар томонидан экспорт шартномалари тузиш, тадбиркорлар дуч келаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича биргаликда ҳаракат қилинмоқда.

Карантин чекловлари сабабли чегаралар ёпилган ва транспорт алоқалари узилган бир шароитда мамлакатимиз тадбиркорларига хорижга маҳсулот етказиш ёки чет элдан қол олиб келишда транспорт ва логистика масалаларини ҳал қилишда яқиндан ёрдам берилмоқда. Янги транспорт коридорларини очиб бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди.

Инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш доирасида республикага замонавий ускуналар ва хорижлик мутахассисларни олиб келишга кўмак кўрсатишмоқда. Хусусан, бугунги кунгача иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият юритаётган 3 минг 500 дан ортиқ чет эллик мутахассиснинг Ўзбекистонга олиб келиниши ташкил қилинди.

Мамлакатимизга сармоялар жалб қилиш, шу жумладан, чет элда истиқомат қиладиган ватандошлар томонидан инвестициялар киритиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Бугун 818 миллион долларлик 120 дан ортиқ лойиҳа устида иш олиб боришмоқда. Чет эл инвесторлари, халқаро ташкилотлар ва компанияларда ишлайдиган ҳамда Ўзбекистон тараққиётига ўз ҳиссасини қўша оладиган юрдошларимизнинг исмлари жамланган “Оптин дафтар” шакллантирилди.

Шу ўринда Ўзбекистон коронавирус эпидемиясини халқаро кўламда тарқала бошлаган дастлабки кунларданок барча асосий ташқи сиёсий шериклар билан ўзаро ёрдам ва қўллаб-қувватлаш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Бундай саъй-ҳаракатларсиз нафақат турли давлатлар ва шерик ташкилотлар билан кўп қиррали алоқалар, балки

оддий инсонлар, фуқароларимиз тақдирини билан боғлиқ масалаларни ҳал этиб бўлмаслигини қайд этмоқчиман. Хорижда бўлиб турган юрдошларимизнинг кўпчилиги эпидемия муносабати билан жорий қилинган чекловлар натижасида қийин шароитга тушиб қолди. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги, республиканин бошқа вазирлик ва идоралари ҳамда хорижий шериклар томонидан 300 мингдан ортиқ юрдошимизни Ватанга қайтариш бўйича пухта мувофиқлаштирилган ишлар ташкил этилди. Ўзбекистоннинг чет мамлакатларда вақтинча бўлиб турган қўллаб-қувватларига элчионалар ва консуллик идоралари орқали молиявий маблағлар тақдим қилиш, яшаш жойи ва озиқ-овқат билан таъминлаш шаклидаги беғараз ёрдам кўрсатишмоқда. Шу билан бирга, 15 мингдан ортиқ чет эл фуқаросига Ўзбекистондан ўз юртига қайтишига кўмак берилди. Коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши самарали курашиш ва илғор хорижий тажрибани ўрганиш мақсадида Германия, Жанубий Корея, Туркия, Хитой ва Россиянинг етакчи тиббиёт мутахассислари жалб қилинди. Улар республикамизнинг турли минтақаларида фаолият юритди.

Пандемия оқибатларига қарши курашиш жараёнида АҚШ ҳукумати ва Америка инсонпарварлик ташкилотлари ва компанияларининг гуманитар ёрдами жалб қилинди. Бундан ташқари, америкалик шериклар Сирдарё вилоятида рўй берган фавқулодда ҳодисадан зарар кўрган аҳоли, “Соғлом авлод учун” жамғармасига ёрдам кўрсатди.

— Ўзбекистон олиб бораётган фаол минтақавий сиёсат дунё ҳамжамияти диққатини жалб қилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари формати яратилди ва иккита саммит бўлиб ўтди. Улардан бири 2019 йил Тошкентда ташкил этилди. Қирғизистонда ўтказилиши режалаштирилган олий даражадаги учрашувга тайёргарлик қандай кечмоқда?

— Ўзаро келишувга биноан, Марказий Осиё давлатларининг Маслаҳат учрашувлари минтақа давлатлари раҳбарларининг шахсий иштирокида ўтказилиши керак. Президентларнинг шахсий учрашувлари саммитлар самарадорлигининг муҳим омилни ҳисобланади. Олий даражадаги мазкур учрашувлар давомида Марказий Осиё мамлакатларининг долзарб муаммоларни ҳал қилиш ва

минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича ҳамкорлигининг барча қирралари кўриб чиқилмоқда.

Афсуски, коронавирус билан боғлиқ вазият ва пандемияни бартараф этиш билан боғлиқ сананинг ноаниқлиги сабаб жорий йил охиригача учинчи Маслаҳат учрашувини ўтказиш учун имконият бўлмаслиги кўзга ташланиб қолди.

Лекин бу ҳолат қўшни давлатлар режалаштирилган минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш йўлида “секинлашгани”ни аниқламайди. Марказий Осиёнинг барча беш давлати учун кўп томонлама ҳамкорлик савдо алоқаларини мустаҳкамлаш, инвестиция оқимларини жалб қилиш, минтақа мамлакатларининг глобал таъминот занжирларига фаол қўшилиши учун янги имконият ва имтиёзларни шакллантириш омилли сифатида устувор аҳамиятга эга. Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарлари аввалги учрашувларида минтақавий савдонинг ривожлантириш, энергетика соҳасидаги салоҳиятини ошириш, истиқболли транспорт коридорларини шакллантириш ва ўзаро манфаатли бўлган бошқа масалаларни ҳал қилишда биргаликдаги ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича келишувларга эришган. Марказий Осиё ҳамкорлигини мустаҳкамлаш минтақамизнинг барқарор ривожланиши ва хавфсизлигини таъминлашнинг калити бўлиб қолмоқда ва бунда қўшни давлатлар Президентларининг қарашлари бир-бирига тўлиқ мос келади, деб таъкидлаш мумкин.

Қозғистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркменистон ва Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбарларининг Қирғиз Республикасидаги воқеалар юзасидан қўшма баёноти ушбу масалалардаги яқдилликка ёрқин мисол бўлди. Унда “Қирғизистоннинг равнақи минтақавий хавфсизлик ва бутун Марказий Осиё ҳамкорлигини мустаҳкамлаш муҳим омилли” экани яна бир бор таъкидланди. Минтақа давлатлари раҳбарлари, шунингдек, “Марказий Осиё бирдамлигини янада мустаҳкамлаш йўлидан борар эканмиз, биз Қирғизистон халқини унинг ҳамжиҳатлиги, тинч, мустақил тараққиёт ва фаровонлик борасидаги интилишида доимо қўллаб-қувватлаймиз”, деб қайд этдилар.

Шу муносабат билан Туркменистон умумминтақавий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда келгуси йил минтақа давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувини меҳмондўст туркман заминида ўтказишни тақлиф қилмоқда. Саммит дастурига қатор муҳим иқтисодий ва маданий тадбирларни киритиш ҳам тақлиф қилинди.

Биз, Маслаҳат кенгашининг ҳамраиси сифатида Туркменистоннинг ушбу тақлифини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз ва навбатдаги Маслаҳат учрашуви кенг ва сермазмун дастур асосида ўтишига умид қиламиз. Туркменистондаги саммитдан сўнг қирғиз дўстларимизнинг Маслаҳат учрашувини Бишкекда ташкил этиш бўйича тақлифига яна қайтишимиз мумкин.

ТИВ ташқи сиёсий фаолиятини халқаро вазиятга мослаштирибгина қолмасдан, уни мунтазам тақомиллаштириётганига эътиборингизни қаратмоқчиман. Зеро, ҳар қандай инқироз, жумладан, инсоният ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган пандемия инқирози оддий шароитларда сезилмайдиган муаммоларни очиб беради. Ушбу таҳдидларга муносиб жавоб бериш учун ўз ишимизни доимий равишда тақомиллаштириб боришимиз керак.

Шу муносабат билан иккита асосий ҳулоса чиқариш мумкин. Биринчидан, ташқи сиёсат идораси фаолиятига танқидий баҳо бериш, янги захираларни излаб топиш учун барча кучларни сафарбар этиш зарур. Иккинчидан, COVID-19 пандемиясига қарши муносиб курашиш учун қатъий сиёсий, иқтисодий, эпидемиологик шароитда ишлашни ўрганиш керак.

Хулоса шунки, бугунги кунда технологик тараққиёт ва илмий, шу жумладан, тиббиёт соҳасидаги билимлар жуда тез ва жадал ривожланмоқда. Айнан тиббиёт юқори интеллектуал тармоқлардан бири ҳисобланади. Пандемияга қарши курашишга энг илғор интеллектуал кучлар сафарбар қилинган, етакчи илмий-тадқиқот марказлари изчил фаолият юритмоқда ва дунёнинг турли минтақаларида салмоқли ресурслар ажратилган. Яқин келажақда ушбу муаммага муносиб жавоб топилиши ва инсониятни ана шундай қийин синовлардан ишончли ҳимоя қилиш мумкин бўлишига ишончимиз қомил.

— Хурматли Абдулазиз Ҳафизович, қизикarli ва сермазмун суҳбатингиз учун катта раҳмат.

Салим ДОНИЁРОВ суҳбатлашди.

Муносабат



Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва нарх-наво асоссиз ўсишининг олдини олиш қатъий эътиборда бўлади

Аваз ЎРИНБОЕВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати



Бошланиши 1-бетда

БМТ маълумотларига кўра, ҳар кун сайёрамизнинг 840 миллиондан ортиқ аҳолиси тўйиб овқатланмаяпти. Оқибатда 160 миллиондан ортиқ болада бўй ўсиши, жисмоний ва интеллектуал ривожланиш билан боғлиқ камчиликлар кузатилмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши аҳоли сони ва эҳтиёжлари ўсишидан ортда қолмоқда.

Жаҳонда озиқ-овқат тақчиллиги хавфи ортиб бораётган ана шундай мураккаб шароитда мамлакатимизда нафақат ички талабини қондириш, балки ташқи бозорга озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш ҳажмини ошириш имконини берадиган муҳим ва зарур чора-тадбирлар амалга оширилаётгани эътиборлидир.

Сўнгги вақтларда юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини ва экспорт салоҳиятини оширишга бўлган ёндашув тубдан ўзгарди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда истеъмол товарларини узлуқсиз етказиб бериш, ички бозорда нарх-наволар сунъий кўтарилишининг олдини олиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Жорий йил аввалида бошланган пандемия шароитида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўл-

ган эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш, нарх-наво кескин ўсишига йўл қўймаслик мақсадида бир қатор муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Яқинда Президентимиз раислигида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва ички бозорда нарх-наво барқарорлигини сақлаш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу борада амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилиб, ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Эътибор берсак, йил бошидан буён бу масала бир неча мартаба кўриб чиқилди. Бу бежиз эмас, албатта.

Чунки озиқ-овқатга эҳтиёж ўсиб бора-ю, зарур чоралар қўрилмаса, хусусан, ишлаб чиқариш ривожлантирилмаса, импорт маҳсулотлар кўпаяди, бу эса нарх-наво ўсишига олиб келади. Бундан, биринчи навбатда, кам даромадли аҳоли қатлами азият чекади.

Маълум бўлишича, охириги вақтларда гўшт, тухум, ўсимлик ёғи ва шакар маҳсулотларининг нархи кескин ошган. Дунё бозоридан ўтган 9 ойда ўсимлик ёғи 15 фоиз, Ўзбекистонда эса 26 фоиз ортган. Шакар нархи 5 фоиз камайишига қарамай, мамлакатда 23 фоиз қимматлаган. Йиғилишда давлатимиз раҳбари бу масалаларга эътибор қаратиб, "Бугундан барча чораларни қуриб, амалдаги тизимни ўзгартирмасак, эртага қиш ва баҳор ойларида қийин бўлади. Озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириб, бозордаги нарх-навога арзон қилсак, одамларни, айниқса, кам таъминланганларни рози қила оламиз", дея таъкидлади.

Асосий муаммолардан бири ҳам аслида шунда. Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган бирламчи талабини қондириш ва ички бозорда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш кечиктириб бўлмайдиган долзарб масалалар. Чунки озиқ-овқат маҳсулотларининг юқори нархлари камбағаллар сони ошиши хавфи билан бирга жиддий ижтимоий оқибатларни юзага келтириши мумкин.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Солиқ кодексига қўшимчалар киритиш масаласи муҳокама қилинди. Пандемия даврида аҳоли ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, нархлар барқарорлигини

таъминлаш мақсадида бир қатор маҳсулотларнинг қўшилган қиймат солиғидан озод этилиши кутилмоқда. Хусусан, 2021 йил 1 январгача Ўзбекистон Республикасига шакар ва шакар хомашёсини олиб кириш, шунингдек, уни реализация қилиш айланмалари, 2021 йил 1 июлгача қартошка, ўсимлик ёғи, гўшт (мол гўшти, қўй гўшти, товуқ гўшти ва бошқалар), ҳайвонларни (қорамол ва парранда) тирик ҳолда ва уларни сўйишдан олинган маҳсулотларни олиб кириш, шунингдек, уларни реализация қилиш айланмаларини

Аслида юртимизда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ички талабни тўлиқ таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, даромадини кўпайтириш учун катта резерв ва имкониятлар мавжуд. Ана шу жиҳатларнинг ҳар бири тўлиқ инobatга олиниб, табиий ва иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланилса, бу одамларга ҳам, давлатга ҳам катта фойда келтиради.



ҚҚСдан озод қилиш назарда тутилмоқда. Бу, албатта, ўсимлик ёғи, гўшт ва бошқа истеъмол маҳсулотлари нархи пасайишига хизмат қилади.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизга яқини аграр сектор тармоқларида тайёрланади. Шу жиҳатдан олиб қарасак, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш барчамизнинг эътиборимизда бўлиши лозим. Озиқ-овқат тақчиллиги юзага келмаса, маҳсулотлар нархини барқарор сақлаш имкони янада ортади.

Бугун қишлоқ хўжалиги тармоқларини янада ривожлантириш, керак бўлса, уларни қўллаб-қувватлаш масаласи ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Сўнгги йилларда мамлакатимизда агросаноат мажмуаси соҳасида кенг қўламли ислохотлар ва сифатли ўзгаришлар амалга оширилди, замонавий институционал база яратилди. Лекин ҳозирги мураккаб шароитда, глобал ҳаётлар ортиб бораётган бир пайтда эришилган ютуқларда тўхтаб қолмаслик, агросаноат комплексини ривожлантириш ва мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича ишларни давом эттириш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш кўп жиҳатдан маҳсулот ишлаб чиқариш ва импорт қилиш даражалари оқилона уйғунлаштирилишига, бу борада аҳоли учун қафолатланган имкониятлар яратилиши ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришга боғлиқ.

Аслида юртимизда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ички талабни тўлиқ таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, даромадини кўпайтириш учун катта резерв ва имкониятлар мавжуд. Ана шу жиҳатларнинг ҳар бири тўлиқ инobatга олиниб, табиий ва иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланилса, бу одамларга ҳам, давлатга ҳам катта фойда келтиради.

Худудларнинг мавжуд табиий ва иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланиш асосида озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бўйича муҳим ва зарур чора-тадбирларни амалга оширишда биз, депутатлар ҳам фаол иштирок этишимиз, нарх-наво бўйича мунтазам равишда назорат-таҳлил ишларини олиб боришимиз талаб этилади.

Бугуннинг гапи

Ўзбекистонда янги ва яхлит ижтимоий ҳимоя тизими яратилмоқда



Улуғбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
Спикери ўринбосари

Дунёдаги илғор давлатчилик тажрибаларидан маълумки, давлат бошқарувини ислох этиш, демократик ислохотларни чуқурлаштиришда жамиятдаги турли қатламларнинг манфаати, хоҳиш-иродасини инobatга олиш, уларни рўёбга чиқариш учун йўл очиш долзарб аҳамият касб этади.

Кейинги йилларда юртимизда халқ билан мулоқот тамойили асосида давлат бошқаруви тубдан модернизация қилинди. Алoхидa қайд этиш жоизки, бу тарихий жараёнда жамиятимиздаги ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламни йиллар давомида ўйлантириб келган муаммо ва муурожаатларни ҳал этиш, уларнинг тақлифларини қабул қилиш ҳамда амалга ошириш давлат тузилмаларининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Жаҳон миқёсида мисли қўрилмаган зарар етказаятган коронавирус пандемияси даврида мамлакатимизда касалланганларни тўлиқ давлат таъминоти асосида даволаш, кам даромадли оилаларни қийин аҳволга тушиб қолишдан асраш бўйича тизимли ишлар бажарилмоқда, "темир дафтар" асосида манзилли ёрдам кўрсатилмоқда. Бу борада Ўзбекистоннинг ўзига хос тажрибаси илгор давлатлар юқори доира вакиллари, етук мутахассислар томонидан эътироф этилаётгани бежиз эмас.

Шундай синовли даврда ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 75-юбилей сессиясида Ўзбекистон Президенти пандемия шароитида ижтимоий ҳимояни халқро миқёсда қафолатлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, БМТ шафелигида Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексини ишлаб чиқишни тақлиф этди. Бу ташаббус жаҳон миқёсида ижтимоий ҳимоя муаммосига ечим бўлиши таъкидланмоқда, халқаро экспертлар, етук сиёсатчилар томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Мамлакатимизда камбағалликка қарши кураш бўйича стратегик вазифалар амалга ошириляпти. Ижтимоий-иқтисодий фооллиқни ошириш, касб-хўна урганиши, ўз ишини йўлга қўйиши учун эҳтиёжманд фуқароларга субсидиялар ажратилмоқда. Кўчли ва қафолатланган ижтимоий ҳимоя янги Ўзбекистонни бунёд этиш концепциясининг муҳим йўналишларидан бири сифатида қўриляпти.

Қарор ва ижро

Гулсум ШОДИЕВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Мамлакатимизда балиқчилик тармоғининг изчил ривожланиши халқимизни сифатли балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, соҳада мулкчилик муносабатларини такомиллаштириш ҳамда табиий сув ҳавзаларидан оқилона фойдаланишда кенг имконият яратмоқда. Жумладан, балиқчилик кластерлари ва хўжаликлар самарали фаолият юритиши ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларга барча зарур шарт-шароит яратиб берилмоқда.

БАЛИҚЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИ ВА ХЎЖАЛИКЛАРИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

Президентимизнинг 2018 йил 6 ноябрдаги "Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва 2020 йил 29 августдаги "Балиқчилик тармоғини қўллаб-қувватлаш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари балиқ маҳсулотини саноат усулида етиштириш, қайта ишлашда тармоқ корхоналари учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Унга кўра, балиқ маҳсулоти етиштириш билан шуғулланувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарига сув истеъмоли учун тўланадиган солиқ турларида имтиёзлар берилмоқда.

— Ушбу қарорлар ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш юзасидан назорат тадбирлари ўтказилмоқда, — дейди Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи Нурмамат Турсунов. — Тадбирларда мазкур қарорлар асосида балиқ маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари, тадбиркор-

лик субъектлари учун яратилган имкониятлар хусусида етарли маълумот берилиши таъминланмоқда. Шунингдек, соҳани янада такомиллаштириш мақсадида балиқ турларини кўпайтириш, маҳсулотни саноат асосида қайта ишлаш ва садок усулида парҳез маҳсулотлари етиштиришни йўлга қўйиш юзасидан режалар белгиланган. Жумладан, вилоятда соҳага янги технологияларни жорий этиш бўйича ёпиқ тизимли ва интенсив усулда кичик сув ҳавзалари

барпо этилмоқда. Уларда Африка лаққаси, зогорабалиқ, гулмоҳи ва бакрабалиқларни етиштириш йўлга қўйилган. Шунингдек, Зарафшон дарёсининг вилоят ҳудудидан ўтувчи қисмида садокда балиқ етиштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Садок усули деганда ҳавза четларида махсус тўр билан ўралган ва балиқ боқишга мослаштирилган қўрилма ҳамда сувда чўкмайдиган пўкақларга маҳкамланган қафаслар тушунилади. Қафаснинг бу туридан хозир тад-



биркорлар ҳам кенг фойдаланмоқда.

Бундан ташқари, келгусида Хитой тажрибасини оммалаштирган ҳолда уй шароитида, кичик ҳажмдаги сув ҳавзаларида балиқ етиштиришни йўлга қўйиш юзасидан лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Шу ўринда айтиш лозимки, ҳозирги кунда Самарқанд вилоятида 459 та балиқчилик хўжалиги мавжуд бўлиб, уларга 9 минг 553 гектар сувли майдон ажратилган. Шундан 7 минг 909 гектари табиий ва 1 минг 644 гектари сунъий сув ҳавзалари ҳисобланади.

Жорий йилда вилоят бўйича 30 минг тонна балиқ етиштириш, 45 миллиард 445 миллион сўмлик 30 та лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилган. Ҳозирга қадар Оқдара туманида 2 та ва Ургут туманида 1 та лойиҳа доирасида 2,5 гектар сунъий сув ҳавзалари барпо этилиб, янги иш ўринлари яратилган.

— Туманда балиқчиликка ихтисослаштирилган 72 та фермер хўжалигига қанрашли 460 гектар сув ҳавзаларида балиқ етиштирилмоқда, — дейди инспекциянинг



Пайариқ тумани бўлими катта инспектори Азизбек Абдиражабов. — Жорий йилнинг 9 ойида мавжуд фермер хўжалиқлари томонидан 2 минг 69 тонна балиқ маҳсулотлари етиштирилди. Бу эса бозорларимизда балиқ маҳсулотларининг тури кўпайиб, нархи арзонлашишини таъминляпти.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда аҳолига сифатли ва арзон балиқ маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан норматив-ҳуқуқий база яратилган. Бу эса балиқ етиштиришда инновацион технологиялардан фойдаланиш, аҳолини арзон ва сифатли балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш имконини бериши билан муҳим аҳамият касб этади.

Аёл ва жамият

Янгиладанаётган Ўзбекистонда хотин-қизлар мавқеи

Нигора ЮСУПОВА, юридик фанлар доктори, доцент

Бугун Ўзбекистон ўз миллий қиёфасида, яъни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида халқимизнинг миллий менталитетига хос бўлган ижобий анъаналар ва кадриятларни сақлаган ҳолда майдонга чиқмоқда. Бу давр жамиятимизда аёлларни улуглаш, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилишнинг далили сифатида тарихда ёрқин из қолдиради.



Президентимиз БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясида сўзлаган нутқида “Жамиятни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирларимиз натижасида янги Ўзбекистон шаклланмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиздаги демократик ўзгаришлар ортага қайтмайдиган тус олди. Биз учун гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни тобора кучаймоқда. Янги парламентимизда аёл депутатлар сони икки баробар кўпайди”, дея мазкур масалага алоҳида ургу берди.

Дарҳақиқат, юртимизда демократик фуқаролик жамияти куриш жараёнида янги сиёсий муносабатлар, дунёқараш, сиёсий маданият шаклланмоқда. Мазкур жараёнда хотин-қизлар манфаатлари янги миқёс ва мазмунда намоён этилиши, жамият онгига мунтазам жой олиши ва ҳар қандай шароитда ўзлигини йўқотмаслиги лозим.

Жамиятни демократлаштириш даврида хотин-қизларга бўлган муносабат ҳамда уларнинг ҳаётий тажрибаси, интеллектуал салоҳияти ва имкониятларидан бунёд этилаётган жамият ривожу учун фойдаланиш давлатчилик асосларининг либераллиги ва илғорлигидан далолат беради. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда давлатчилигимиз учун муҳим бўлган масалалардан бири хотинқизларнинг бунёдкорлик жараёнларига нечоғлиқ жалб қилиниши, улар-

нинг бугунги кун жамиятида ўзининг қанчалик керакли эканини идрок этишдир.

Айтиш лозимки, бугун дунё миқёсида аёл ҳуқуқлари инсон ҳуқуқлари нуктаи назаридан баҳо бериш жаҳон тараққийпарвар тафаккурида кечаётган ижобий ўзгаришлар самарасидир. Шу боис, ХХI асрда барчамиз учун демократия талаблари, фуқаролик жамияти қадриятлари ҳамда аёллар масаласининг ҳуқуқий тамойилларини тушунтириб бериш ва ана шу қадриятлар ҳамоҳанглиги ва муносиблигини тўғри англаб етиш аҳамиятлидир.

Ҳуқуқий давлатда инсон бутун ижтимоий механизмнинг марказини ташкил этиб, уни ўз манфаатларига хизмат қилдиради. Зеро, инсон манфаатлари таъминланган, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояланган давлатни ҳуқуқий давлат дейиш мумкин. Аёллар масаласи таҳлил этилганда бир муҳим жиҳатга алоҳида ургу бериш мақсадга мувофиқ. Яъни аёллар ҳуқуқлари фақат ҳуқуқий ҳолатгина эмас, балки сиёсат, маънавият ва маърифат, диний эътиқод, жамиятдаги турли ўзгаришлар билан ҳам боғлиқ жараёндир. Аёл ҳуқуқлари кўп қиррали, муаммоли ва мураккаб бўлиб, турли замонларда турлича намоён бўлиб. Лекин унинг сиёсий манфаатлар билан боғлиқ хусусияти ҳаммаша сақланиб, турли шаклда ўрганилган.

Бугун республикамызда аёлга, оилага ҳурмат давлат сиёсати даражасига кўтари-

либ, қонунчилик нормаларининг асосий қоидалари сифатида эътироф этилган. Ушбу нормаларда аёлнинг жамиятда ва оилада тутган ўрни, ҳуқуқ ва мажбуриятлари шарқона турмуш тарзи, оила ҳаётининг маънавий, ахлоқий, иқтисодий ва ҳуқуқий нормаларини инobatта олган ҳолда белгилаб берилган. Ўзбекистонда соғлом авлодни тарбиялаш, оилани мустаҳкамлаш, аёлларни эъзозлаш, оналик ва балоаликни муҳофаза этишдек инсоний бурчларни адо этиш борасида бир қатор амалий дастурлар ишлаб чиқилмоқда ва ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Замоннинг аёлга муносабати масаласини Ўзбекистон тажрибасида таҳлил қиладиган бўлсак, сўнгги йилларда бу йўналишда аниқ, режалаштирилган давлат сиёсати юритилаётгани натижасида салмоқли ўзгаришлар амалга оширилаётганининг ҳошиди бўляпти. Масалан, Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва яна қўллаб норматив ҳужжатлар орқали мамлакатимизда аёллар масалалари билан боғлиқ ижобий

ислохотлар янги босқичда такомиллаштирилмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда аёллар соғлиқни сақлаш, таълим тизими, давлат бошқарувининг турли йўналишлари, тадбиркорлик фаолиятида фаоллик кўрсатмоқда. Айни дамда юртимиздаги тадбиркорларнинг 35 фоизи, фермерларнинг 10 фоизи, Олий Мажлис Сенати аъзоларининг 17 фоизи, Қонунчилик палатаси депутатларининг 16 фоизи, шунингдек, маҳаллий кенгашлар депутатларининг 23 фоизидан зиёдини айнан аёллар ташкил этиши фикримиз исботидир. Сўнгги йилларда аёлларнинг таълими, мутахассислик ва илмий салоҳиятини ўстириш учун барча лозим чоралар қафолатлангани Ўзбекистонда аёллар фаоллигини оширишдаги кенг ислохотлардан дарак беради.

Демак, бугун бир жамият аёллар фаоллигидан манфаат олиши лозим. Ана шу фаоллик ва идорчилиқнинг барча соҳаларда акс этиши, яъни аёлларимиз онгли тарзда мамлакатдаги ислохотларга дахлдорлик ҳисси билан яшашига эришиш замонамизнинг долзарб масаласига айланиб бормоқда. Чунки аёл фуқаролик жамияти асоси бўлган фуқароларни тарбиялаш, демократик ва толерант тафаккур, тараққиёт ва ривожланишга камарбасталик каби жамият учун ўта долзарб ва муҳим масалаларни ижобий ҳал этиб бера олиш қудратига эгадир.

Бугун жамиятимиз янги сиёсий муносабатлар шаклланиш жараёнининг илк босқичида турибди. Шу боис, аёлларга кенг ҳуқуқлар берилиши ва имкониятларнинг таъминланиши демократик ва фуқаролик жамияти куриш борасидаги мақсадимизга тўғри келади ва ана шу мақсадларнинг амалийлигини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида, биринчидан, Ўзбекистон шароитида аёллар тафаккурида толерант тафаккурни шакллантириш, мафкуравий уйғоқлик ва сезгирликни улар онгига синдириш фуқаролик жамиятининг асосларини кучайтириш омилларидан биридир. Нима учун аёл бағрикенг, тафаккури уйғоқ, мушоададли, сиёсий жиҳатдан онгли бўлиши лозим? Чунки аёл фарзанд тарбиясига масъул шахс бўлиб, фарзанднинг тафаккури шаклланишига хизмат қилади. Ана шу тафаккурнинг тўғри танланиши давлат тараққиётига таъсир қилади. Шу боис, бугунги кунда аёл тафаккури ва дунёқарали кенг, қучуқ билимли бўлмоғи давр талабидир.

Иккинчидан, бугунги кунда Ўзбекистонда аёлларнинг интеллектуал салоҳияти анчагина юқори бўлиб, ана шу интеллектуал бойликдан жамият тараққиётида самарали фойдаланиш ҳамда аёлларни ислохотлар, яъни жамиятнинг янгилаш жараёнларига сафарбар этиш муҳим вазифадир.

Худудларимизда...

Хоразм вилояти: ИККИ ЯРИМ МИНГДАН ОРТИҚ АЁЛ ИШЛИ БЎЛДИ

Рўзимбой ҲАСАН, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Ҳазораспда 196 мингта яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 101 мингдан зиёди хотин-қизлардир. Эътиборлиси, шу миқдорнинг ярмидан ошигини 30 ёшгача бўлганлар ташкил қилади. Бу ёшдаги хотин-қизлар мустақил оила тебратишга киришган бўлади.

Янги оила қурган, фарзандлари тарбияси учун оилада тенг масъул аёлларни муқим иш билан банд қилиш орқалигина уларнинг фаровон ҳаётини таъминлаш мумкин. Бу пандемия шароитида жуда муҳим.

Президентимизнинг топшириқлари асосида йил бошида туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда 2020 йилда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш параметрлари ишлаб чиқилганди. Қувонарлиси, ушбу параметрлар қозғозда қолиб кетмади.

Тузилган режага асосан, йилнинг ўтган даврида 2,5 мингдан зиёд хотин-қизнинг бандлигини таъминлашга эришилди. Шу жумладан, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига 235 нафар, субсидиялар ажратиш орқали 85 нафар, касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш туфайли 56 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Туманда иш бошлаган “Текстиль” АЖга 201, “Ўзипак” уюшмаси ташкил қилган ўринларга 454 хотин-қиз ишга қабул қилинди. Бундан ташқари, корхона ва ташкилотларда йил давомида ташкил қилинган янги иш ўринларидан 680 таси бевосита хотин-қизларга ажратилди.

Қорақалпоғистон Республикаси: ҚАРОВСИЗ БИНО ТЕГИРМОНГА АЙЛАНДИ



Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Тўрткўл тумани “Тозабоеғ” овул фуқаролар йиғини худудида кўп йиллардан буюн қаровсиз ётган сув иншооти биноси бүгун халқ учун хизмат қилмоқда.

Гап шундаки, “Тўрткўллик Нуриддин экскаваторчи” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Одилбек Самандаров 2 миллиард сўмлик инвестиция киритиш ва янги иш ўринлари яратиш шарти билан 2020 йил

бошида қаровсиз бинони аукционда сотиб олган эди. Тадбиркор бинода таъмирлаш ва реконструкция ишларини бошлаб юборди. Хитойдан 1,5 миллиард сўмлик шопи тегирмонини олиб келиб, ўрнатди.

— Тегирмон суткасига 120 тонна шопини қайта ишлаш қувватига эга. Яъни ишлаш қуввати юқорилиги, шопини сифатли ва тоза гуруч ҳолатига келтириши билан фарқланади. Бу эса иш самарадорлиги ошишига олиб келади. Овулимиздаги 7 нафар фуқарони иш билан таъминлади, — дейди Одилбек Самандаров. Тадбиркор келажакда янги лойиҳаларни амалга ошириб, овулда яна иш ўринлари очилиши режалаштирган.

Жиззах вилояти: 70 ТА ОИЛАГА 1 ГЕКТАРДАН ЕР АЖРАТИБ БЕРИЛДИ

Президентимизнинг 2020 йил 1 майдаги “Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, кишлоқ ҳўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан фойдаланишдан чиқиб кетган ва ерости сув захираси мавжуд бўлган ерларни фойдаланишга киритиш ва уларни кишлоқ ҳўжалиги махсуслотлари етиштириш учун аҳолига имтиёзли шартларда ажратиб бериш тартиби белгиланган.

Худойберди КАРИМОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Давлатимиз раҳбарининг ушбу қарори ижросини таъминлаш мақсадида Зомин тумани ҳокимлиги томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган ҳамда деҳқончилик соҳасида билим ва кўникмага эга бўлган 70 та оилга 1 гектардан ер ажратиб берилди. Ушбу ер майдонларида енгил конструкцияли дала шй-пони ва сўғориш иншоотларини барпо этишга рухсат этилади. Аммо, қайта

жой, бино ва иншоотлар куриш ман қилинади. Ҳозир ажратилган ер майдонларида сув тежовчи технологияларни қўллаш орқали сабзавот, полиз, дук-какли ва мойли экинлар экилиши, бог ва тоқзорлар барпо этилиши режалаштирилмоқда. Фуқаролар ушбу ер майдонларидан 10 йил муддатта бегараз тарзда, яъни текин фойдаланиши мумкин. Шу муддат ичида белгиланган экин турларини экиб, иш ўринларини яратган фуқаролар ердан пони ва сўғориш иншоотларини барпо этишга рухсат этилади. Аммо, қайта

Жараён

КРІ ТИЗИМИ ҚАНДАЙ МЕЗОНЛАР АСОСИДА БАҲОЛАНАДИ?

Соҳиба МУЛЛАЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Юртимизда кичик бизнес субъектлари сони йилдан йилга ошиб бормоқда. Лекин шу билан бирга, уларнинг айримларида зарар билан ишлаш, иш самарадорлигининг ёмонлашиши, ортиқча харажатлар, ресурслардан мақсадсиз фойдаланиш, фаолиятидаги ношаффофлик каби муаммолар ҳам йўқ эмас.

Ана шундай камчиликларга чек қўйиш ва корхоналарнинг самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаб бориш мақсадида республикамызда КРІ тизими йўлга қўйилди. У самарадорлиқнинг муҳим кўрсаткичи (Key Performance Indicators, KPI) бўлиб, ташкилотларни баҳолаш методикасидир. Ундан фойдаланиш ташкилотга нафақат бозордаги ўрнини баҳолаш, балки фаолиятининг ички механизмларини ҳам кўриб чиқиш имконини беради.

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори асосида мамлакатимизда давлат иштирокида 1 607 та корхонада КРІ тизими жорий этилган эди. Жорий йилдан бошлаб эса Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан идирик корхоналарнинг самарадорлигини баҳолаш ва унинг натижаларини расмий веб-сайтда эълон қилиб бориш амалиёти йўлга қўйилди.

Агентлик томонидан амалга оширилган КРІ тизими таҳлили натижасига кўра, 2019 йил якунлари бўйича давлат иштирокидаги 1 607 та корхонанинг 730 таси юқори, 154 таси етарли, 270 таси етарли эмас, 191 таси ўрта, 89 таси паст ва 173 таси қониқарсиз даражада экани аниқланди. Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органининг самарадорлиги икки чорак мобайнида кетма-кет “паст” ёки “қониқарсиз” даражада бўлган 155 та корхонанинг қузатув кенгаши ва муассисига нисбатан қонунчилик талабларига асосан, корхоналарнинг ижро органи раҳбари билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ташаббуси билан чиқилди.

КРІ ТИЗИМИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

— Самарадорлиқнинг муҳим кўрсаткичи (КРІ) сифат ва миқдорий ўлчашга ёрдам берувчи восита, — дейди Давлат активларини бошқариш агентлиги департамент бошлиғи Бахтиёр Ҳайдаров. — Қабул қилинган кўрсаткич қўйилган мақсадларга жавоб бермаса, ундан фойдаланишга эҳтиёж қолмайди. Бу корхона раҳбарларининг КРІни қўллаш учун тушунишни керак бўлган асосий тамойиллардан биридир. Бу тизимда корхона менежменти ва ходимлари фаолияти сонлар орқали ўлчанади. Индикаторлар бўйича ҳисобот тайёрланган, режалаштирилган мақсадга қанчалик эришилгани, режалар қай даражада аниқ ва тўғри қўйилгани баҳоланади. Самарадорлиқнинг муҳим кўрсаткичлари натижаси стратегик ва тактик мақсадларга тузатишлар киритишга кўмак беради. Бундан ташқари, бу тизим ходимлар, бўлимлар ва бутун корхонадаги ишчанлик фаоллигини назорат қилиш шароитини ҳам яратади. Бошқача айтганда, бунда ютуқлар даражаси ва унга эришиш учун қилинган харажатлар кўлимини ўзидан ақс эттирувчи фаолият натижадорлиги ҳам ўз ифодасини топади. Кўрсаткичларнинг эса икки — сифат ва миқдорий категорияси мавжуд. Миқдорий кўрсаткичлар ишлашни тавсифловчи молиявий кўрсаткичлар, шу жумладан, даромад, фойда ва дебиторлик қарзлари бўлса, сифат кўрсаткичлари, ўз навбатида, нотижорат кўрсаткичлари — мижозлар ташрифи режасини амалга ошириш, ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этиш, ходимлар фаолияти ва бошқаларни ўз ичига олади.

Бунинг бошқа тизимлардан афзаллиги шундаки, ташкилот раҳбарлари, акциядорлик жамиятлари ижро органларининг, аввало, директорлар корпусининг акциядорлар олдидagi масъулиятини ошириш ҳамда улар фаолиятининг самарадорлигини кўтариш мақсадида, ўрнатилган тартибга кўра, ижрочи директор ва қузатув кенгаши раисларини моддий рағбатлантириш ташкилот раҳбарлари, акциядорлик жамияти фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.

АСОСИЙ МЕЗОНЛАР

2016 йилнинг 1 январидан республиканинг барча ҳудудларида устав қанитида давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар ҳамда давлат корхоналари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонларини белгиллаш, ҳисобини юритиш, яъни КРІ тизими ишлаш

бошлади. Ҳўш, бу тизимда баҳо қандай мезонларга асосланиб қўйилмоқда?

— Ҳисоблаш йўли билан олинган самарадорлиқнинг муҳим кўрсаткич миқдорлари уларнинг бизнес режада белгиланган прогноз (мақсадли) миқдорлари билан ҳисобланади, ўзаро таққосланади, — дейди Бахтиёр Ҳайдаров. — Барча муҳим кўрсаткичлар бўйича ўртача ҳисобланган миқдор корхонанинг ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигининг йиғинди кўрсаткичи сифатида ифодаланади. Агар кўрсаткичлар миқдори 40 фоиздан кам бўлса, қониқарсиз, 40 фоиздан 60 фоизгача эса паст даражада деб ҳисобланади. Агар кўрсаткичлар 60 фоиздан 80 фоизгача қайд этилса, етарли даражада эмас деб топилади. 80 ва 90 фоизлар оралиғи ўртача даражада дейилса, 90 фоиздан 100 фоизгача бўлган кўрсаткич етарли даражада деб эътироф этилади. Натижа 100 фоиздан ошсагина юқори даражада деб баҳоланади.

Яна бир жиҳат. Ижро этувчи орган фаолияти самарадорлиги қониқарсиз ёхуд паст даражада, деб ҳисобланса, устамалар белгилашга, муқофот пули ва бошқа моддий рағбатлантиришлар тўлашга йўл қўйилмайди. Ижро этувчи орган фаолияти самарадорлигининг тизимли мониторингини ташкил этиш мақсадида корхоналар Давлат активларини бошқариш агентлигининг расмий веб-сайтида тегишли шаклни тўлдириш йўли билан муҳим кўрсаткичларни электрон кўринишда марказга чорак, ярим йиллик ва тўққиз ой якуни бўйича — ҳисобот давридан кейинги ойнинг 30 санасигача, йил якуни бўйича — ҳисобот давридан кейин 1 мартдан кечиктир-май тақдим этиши керак.

ЯНГИ ҚАРОР ЛОЙИҲАСИДА НИМАЛАР АКС ЭТГАН?

Агентлик томонидан КРІ тизимини такомиллаштириш юзасидан қўллаб ишлар олиб бориламоқда. Ҳозир самарадорлиқнинг муҳим кўрсаткичи (КРІ) тизимини такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Унда давлат иштирокидаги корхоналарда ижро органи фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари (КРІ)ни жорий этиш ва уларнинг раҳбарлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда бошқарилаётган корхона фаолияти самарадорлигидан келиб чиқиб, белгиланадиган бонус қисмини жорий этиш амалиёти тақлиф этилмоқда.

Янги Ўзбекистон остонаси мактабдан бошланади



Жамшид ХОЛОВ, Ички ишлар вазирлиги Академиясининг матбуот хизмати ходими, катта лейтенант

БУ ЁШЛАРНИ ДУНЁ ТАНИЙДИ

Қорақўл Бухоро вилоятининг жанубида жойлашган. Туман асосан қишлоқ ҳўжалиги — пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик ва мева-сабзавотчиликка ихтисослашган. Туманда қорақўл териси азалдан машҳур. Бугун Қорақўл иқтидорли ёшлари билан ҳам танилиб бормоқда. Юртимизда тумандаги Халқаро математика мактабини билмаган ва эшитмаган одам топилиб кетмади.

Мақтаб ҳўлисиди бизни ёши улўғроқ киши кутиб олди. Ўзимизни тантиштирган, тўғри директорнинг хонаси томон юрдик. Мақтаб директори Темуру Рўзиев бизни очик чехра билан қаршилади. Сўхбатимиз бир-пасда қизиб кетди. Ушбу маскан дастлаб ихтисослашган мактаб-интернат шаклида ташкил этилган. 2019 йилда унга Вазирлар Мақамаси қарори билан Халқаро математика мактаби мақоми берилди. Утган давр мобайнида мактаб ўқувчилари халқаро олимпиадаларда 20 та олтин, 9 та кўмуш ва 9 та бронза медаль соҳиби бўлди. Шу боис, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ўқитувчи ва мураббийлар кўнига бағишланган тантанали маросимда ушбу мактаб фаолиятига алоҳида тўхталиб: *“Бугун ушбу мактаб битирувчиларининг 95 фоиздан ортиғи олий ўқув юртиларига ўқишга қиялпти. Халқаро олимпиадалардан энг кўп медаль олиб келётганлар ҳам айнан шу мактабнинг ўқувчилари ҳисобланади. Мамлакатимизнинг барча ҳўудларидан, ҳаттоки пойтахт Тошкентдан ҳам одамлар ўз фарзандини Қорақўлга олиб бориб, ана шу мактабга ўқишга беришяпти. Биз бу таълим маскани эришаётган катта ютуқларни инобатга олиб, утган йили уни Халқаро математика мактабига айлантирдик”*, деди.

Дарҳақиқат, Қорақўлдаги Халқаро математика

мактабини бугунги кўнда мамлакатимиздан ташқарида ҳам яхши билишади, десак янглишмаган бўламиз. Мақтаб учун, айниқса, 2019 йил омадли келди. Мақтаб ўқувчилари Жанубий Африка Республикасининг Дурбан шаҳрида бўлиб ўтган халқаро математика олимпиадасида яқкалик баҳсида 1 та олтин, 2 та бронза, жамоавий баҳсида эса 4 та бронза медалини кўлга киритди.

ЎЗИГА ХОС ЎҚИТИШ УСЛУБИ

Халқаро математика мактабиди ўқувчилар 3 та — техника (математика-физика), иқтисодиёт (математика-инглиз тили) ҳамда табиий (кимё-биология) фанлари бўйича билим олади. Мақтабга ўқувчилар 7-синфдан қабул қилинади. Қабул жараёнлари адолат ва шаффофлик тамойиллари асосида бўлади. Талабгор ўқувчи икки маротаба имтиҳон топширади. Биринчи босқичдан муваффақиятли ўтган ўқувчи иккинчи синовага ҳўзирлик кўради. Ҳар икки жараён ҳам ўқувчиларнинг ота-оналари ёки яқинлари иштирокида ўтади ва талабгорлар олган баҳо шу кўннинг ўзидаёқ эълон қилинади. Бу эса, табиийки, қобилиятли, зук-қо, билимга чанқоқ ёшларни саралаб олишга имкон беради. Энг муҳими, қабул жараёнида тамагирлик, қариндош-уруғчилик ҳамда таълим тизимига салбий таъсир этувчи бошқа омилларга йўл қўйилмайди.

Ўқув машғулотиари аниқ жадал асосида олиб борилади. Дарс эрталаб соат 8:00 да бошланиб, 45 дақиқа давом этади. Ўқитувчи ҳам, ўқувчилар ҳам дарсга масъулият билан ёндашади. Тўшлиқдан сўнг ўқувчилар мустақил тайёргарлик машғулотиарида устозлари кўмағида олган билимларини мустаҳкам-лайдилар.

Таъкидлаш жоизки, халқаро мактабда ҳар бир ўқувчи олий таълим муассасасига ўқишга қиришга тайёрланиш билан бир қаторда, босқичма-босқич халқаро олимпиадаларга ҳам тайёргарлик кўради. Энг муҳими, ҳар бир ўқувчига индивидуал тарзда ёндашилади ва ўзаро соғлом рақобат муҳити асосида боғларнинг билим, салоҳияти ошириб борилади. Бу эса, ўз навабиди, мактабда фаолият юритаётган педагоглардан ҳам фидойилик, юксак билим, мада-



ният талаб этади ва шу асосда уларнинг рейтинги шакллантирилади.

Мақтабнинг ўзига хос ўқитиш услуби бор. Ҳамма ўқувчи ётоқхонада яшайди. Ой якунида ўқувчилар ва она-оналар йигилишини ўтказиш анъанаси айланган. Йигилишда ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириш даражаси, одоб-ахлоқи, ютуқ ва камчиликлари жамоа орасида муҳокама қилинади. Дейлик, аъло баҳоларга ўқиётган ўқувчининг ота-онасига ташаккур айтилса, нисбатан пастроқ кўрсаткич қайд этган ўқувчининг ота-онасига жамоавий танбёх берилади. Бўнинг натижасида ҳам ўқувчи, ҳам унинг ота-онасида яхши кўрсаткичга эришиш учун интилиш ва иштиёқ пайдо бўлади.

Яна бир самарали услуб “мулоқот” деб номланади. Бўнда ўқувчиларнинг бир ҳафта мобайнида эришган ютуқ ва камчиликлари эълон қилиб борилади. Ҳўзир карантин туғайли бўндай тадбирлар онлайн тарзда ўтказилапти. Эътиборимизни тортган яна бир

жиҳат “ишонч қўтиси” бўлди. Унга ўқитувчи ва ўқувчилар ўқув жараёни қай тарада кечаётгани, мавжуд муаммо ва камчиликлар, уларнинг ечимлари, шўнингдек, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга оид фикр, таклиф ва мулоҳазаларини ташлаш имконига эга бўлади. “Ишонч қўтиси”га ташланган муурожаатларни мактаб директори ҳар ойда ҳолисона ўрганиб чиқиб, чора-тадбирлар кўради.

АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ...

Халқаро математика мактаби эришаётган ютуқларда, шўбҳасиз, ўқитувчи-педагогларнинг алоҳида ўрни бор. Энг қизиги, 52 нафар ўқитувчининг аксарияти шу мактабнинг битирувчилари. Улар бугун устоз муаллим, ушбу мактабнинг асосчиси Тўхтамурод Жўмаев бошлаб берган анъаналарни муносиб давом эттирмоқда. Бу инсонга хос фидойилик, тинимсиз изланиш ва меҳнатсеварлик шогирдларига ҳам ўтган.

Бугунги ёшлар

КЕЛАЖАКНИНГ БУНЁДКОРЛАРИ
ЗАМОНАВИЙ БИЛИМ ВА ЮКСАК САЛОҲИЯТ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИ КЎЗЛАМОҚДА

ИРОДА ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Дунёда рақамли технологиялар, замонавий инновациялар барча соҳа ва одамлар ҳаётига жадал кириб бормоқда. Бир вақтлар фантастик фильмлар орқали намоиш этилган ақл бовар қилмас қурилмалар, эртақларда учрайдиган “ақлли” буюмлар, автоматик тарзда ҳаракатланадиган аппаратлар, робот ва бошқа технологияларнинг реал ҳаётда пайдо бўлишини ҳеч ким ақлига ҳам сиғиролмасди.

Аммо тиниб-тинчимас олимларнинг изланишлари туғайли бугунги кўнга келиб, ҳар қандай ғайриоддий технология одамлар учун фантастика бўлмай қолди. Асосан, ривожланган давлатларда ишлаб чиқариладиган бўндай замонавий техникалар ўзимизда ҳам яратилаётгани, бўнда, айниқса, ёшларнинг ҳиссаси ортиб бораётгани қувонарли ҳол. Инновация, ахборот технологияларини ривожлантириш, барча жаҳонларда жорий этиш мамлакатимизда тараққиётнинг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Охириги йилларда йигит ва қизларнинг ижодий, интеллектуал ва тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш, илгор ғоялар, лойиҳа ва технологияларни илғога кенг жорий қилиш, иқтидорли талабалар, ёш олим ва тадбиркорларнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини қучайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратилипти. Натижада республикамизнинг энг чекка ҳўудларида яшайдиган ёшларда ҳам ИТ соҳага қизқиш ортиб, замонавий йўна-

лишга оид билимларни эгаллаш, ўз ғояларини илм-фан билан боғлаган ҳўлда ҳаётга татбиқ этиш истиғи ортимоқда. Қувонарлиси, бўндай иқтидор эгаларини бир жойда бирлаштириб, ғояларини кўллаб-қувватлайдиган турли марказлар, ташкилотлар қошида гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилмоқда. Президентимиз қарори билан 2019 йил август ойда Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳўзурида ташкил этилган Ёшлар академияси ҳам қисқа фурсатда илм-фан соҳасига қизикқан иқтидорли ва ташаббускор ёшларни ўз платформасига аъзо қилишни бошлади.

Буюк боболарга муносиб
ворислар

Академияга ўз жамоаси, стартап лойиҳаларига эга 40 ёшгача бўлган йигит-қизлар қабул қилинади. Ёш иштирокилар бу ерда “Ғоялар генераторлари”, “Стартаплар”, “Бизнес вакиллари” ҳамда “Бўлажак академиклар” каби 4 та платформадан бирида фаолият юритиш мўмкини.

Мазкур платформаларга жамоалар ўз мақсад ва ғояларига кўра, сараланади. Масалан, биринчи ва иккинчи платформага муайян бир муаммонинг ечимига қаратилган инновацион ғояга эга ёки уни амалга оширишга йўналиштирилган стартап лойиҳалари ҳамда бу бўйича аниқ режаси бўлган жамоалар қабул қилинса, учинчиси фаолиятида илм-фан ва инновация ютуқларини кўллаган, тегишли соҳада камида 1 йиллик тажрибага эга ёшларга ўз эшикларини очади. “Бўлажак академиклар” платформаси эса юқоридаги тизимларда фаол иштирок этган, мамлакатнинг илм-фан ривожига қатнаш қисса қўшаётган, илмий салоҳиятга эга олимлар учун истиқболга йўналтирувчи механизм бўлиб хизмат қилмоқда.



— Айни пайтда Ёшлар академиясининг 1800 дан ортик аъзоси бор, — дейди Инновацион ривожланиш вазирлигининг иқтидорли ёшлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Фирдавс Нейматов. — Улар геология, математика, физика, қишлоқ ҳўжалиғи, кимё саноти, соғлиқни сақлаш, таълим, сунъий интеллект, робототехника ва меҳатроника, дастурлаш, 3D моделлаштириш ва бошқа йўналишларда ўз лойиҳаларини амалга ошириб келмоқда. Аъзолар орасида инновацион ва амалий ишланмаларини ҳаётга татбиқ этиб, муайян соҳа ривожига ҳисса қўшаётган фаол ва ташаббускор жамоалар кўпчиликини ташкил этади.

Бугун улар томонидан ишлаб чиқилган кўллаб лойиҳалар ҳаётимизга кенг жорий этилмоқда. Хўсусан, айни пайтда турли соҳаларда фойдаланилаётган, тўғма қўлсиз ва ҳаёти давомида қўли ампутиацияга учраган ногиронлар учун бионик протезлар, ўпкани сунъий шамоллатиш аппаратлари учун махсус оксигенация насослари, уй шароитида қийимлар, боболар ўйинчоқлари ва бошқа уй-рўзгор буюмларидаги бактерия ва ҳидларни бартараф этишга мўлжалланган “CleanBox” қурилмаси, автомобильлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган “Carwon smart security system” мобиль иловаси, машиий чикиндилар асосида сунъий углеродлаштирилган материал олиш қурилмаси, рангли металл буюмлар қўйиш учун вакуум асосида ишлайдиган “Хўмо С1” ускунаси, “Sky project” виртуал парашют симулятори ва бошқа бир қанча иштироқлар ўзбек йигит-қизлари, хўсусан, Ёшлар академияси аъзолари томонидан яратилгани бизни қувонтиради.

Иштироқлар пандемия
даврида ҳам қўл келяпти

Ана шўндай иштироқ эгаларидан бири — “Turin invest engineering” компаниясининг тажрибали муҳандислардан иборат жамоаси бугунга қадар кўллаб йирик лойиҳаларни амалга ошириб кел-

моқда. Пандемия сабаб юзага келган мураккаб вазиятда ҳам ўз ишланмалари билан одамларга кўмак беришни мақсад қилган ёшлар қисқа вақт ичида “Volkswagen Caddy” русумли автомашиналар асосида “А” синфидаги тез тиббий ёрдам машиналарини жиҳозлашга муваффақ бўлди. 4 литрли кислород цилиндри ўрнатилган автомобиль яхши иссиқлик ва шовқин изоляциясига эга.

Айтиш жоизки, бугунги пандемия шароитида бўндай машиналар тиббиёт ходимларининг хизматини енгиллаштиришда катта кўмак беради. Ҳўзир белгиланган меъёрлар асосида тўлиқ техник текширув ва синовлардан ўтган автомобилларнинг 12 таси жиҳозланиб, тажриба тариқасида Тошкент вилоятида фойдаланишга топширилган.

Ёш бўлишга қарамай, кўллаб инновацион ғояларга эга мутахассислар бу ишланма билан чекланмади. Карантин даврида компания муҳандислари яна бир йирик лойиҳага қўл ўрди. Ёш иштироқчилар коронавирўсга қалинган беморлар ҳаётини сақлаб қолиш учун энг зарур қурилма — ўпка сунъий вентилляцияси аппаратини яратди. Хорижий компаниялар таклиф этаётган шў турдаги қурилмалардан бир неча баробар арзон бўлган ушбу аппарат ўпкага кислород етказиб беришда ёш тоифасини тартибга солиш, беморнинг ҳолатини хавфсиз масофадан бошқариш имконини беради.

Айни пайтда Турин политехника университетида таҳсил олаётган бу ёшлар келгусида янада самарали қурилмалар яратишни мақсад қилган.

— Муҳандислар, ҳеч муболагасиз, давримизнинг ҳақиқий қаҳрамонларидир, — дейди “Turin invest engineering” компанияси раҳбари Бобур Зокиров. — Биз шў соҳанинг вакиллари ҳамда Ёшлар академияси аъзолари сифатида халқимиз турмуш даражасини яхшилаш, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшадиган лойиҳалар яратаётганимиздан хўрсандимиз. Жамоамиз билан олимдмизга қўйган



мақсадларимиз кўп ва келгусида янада фойдали бўлган иштироқлар қилиш, инновацион лойиҳаларни амалга оширишда давом этамиз.

Саратон касалликларини эрта
аниқловчи замонавий дастур

Турин политехника университети қошидаги “Turin Invest Soft Solutions” корхонаси лойиҳа юритувчиси Мўслимбек Пирназаров жамоаси эса Ўзбекистон бозорида дастурий таъминот ишлаб чиқариш билан шўғулланади. Ҳўзир ёшлар, асосан, 3 та йўналишда иш олиб бормоқда. Биринчиси, “Mammo Cancer AI” дастури жамоанинг иқтидорли вакили Зафар Тошпўлатов лойиҳаси асосида ишлаб чиқилган бўлиб, технология кўкрак бези саратонни касаллигини сунъий интеллект ёрдамида эрта аниқлаш имконини беради.

Дастур ҳўзир тиббиётда қўлланиладиган кўкрак бези саратонини аниқловчи маммография текшируви аппаратига уланади. Қурилма орқали рентген тасвирлари дастурга юборилганида у кўкрак бези саратонининг бор-йўқлиғи, ҳажми ва бошқа жиҳатларини аниқлаб беради. У, шўнингдек, саратон билан боғлиқ кўз илғамайдиган энг кичик белгиларни ҳам топиб, бу ҳақида сигнал орқали шифокорга билдиради.

Айни пайтда лойиҳа ишлари бошланғич босқичда. Уни синовага топшириш учун саратон тасвирларини қизиб, уларни аниқлаш хўсусиятини пайдо қилиш лозим. Лойиҳа муаллифлари тасвирларни қизидида Республика онкология маркази мутахассислари билан ҳамкорлик қилмоқда.

Ҳўзир лойиҳанинг “Packs” ва “Image viewer” дастурларини ишлаб қиқиш бўйича жамоа аъзолари томонидан фаол ишлар олиб боришмоқда. Уни янада такомиллаштириш учун Инновацион ривожланиш вазирлиғига молиялаштиришга кўмаклашиш бўйича ҳужжатлар топшириш кўзда тутилган. Режага кўра, 2020 йилнинг 31 декабрига қадар дастур синов текширувлари учун Республика онкология марказига топширилади.

Рағбат ва мотивация
ёшларни юксак марралар сари
руҳлантиради

Ёшлар академиясининг ҳар бир аъзоси ана шўндай иқтидор эгаси. Бугун республикамизнинг ҳар бир вилоятида академиянинг етакчиси сайланиб, иқтидорли ёшлар жамоалари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳалар саралаб олинапти. Утган қисқа вақт ичида ана шўндай йигит-қизларни кўллаб-қувватлаш, академия аъзоларини рағбатлантириш, истиқболли ишланмаларга эга

ёшларга мотивация бериш мақсадида бир қатор йўналишларда амалий, инновацион ва стартап лойиҳалар танловлари ўтказиб келиняпти. Халқаро миқёсда ташкил этилаётган мазкур тадбирларда академия аъзолари фаол иштирок этиб, иштироқчилик, замонавий кашфиётлар қилишда ҳеч бир ривожланган мамлакатлардан қолишмаслигини намоён этияпти.

2019 йилнинг 29–31 октябрь кўнлари “Ўзэкспомарказ” миллий кўргазмалар мажмуасида “InnoWeek — 2019” инновацион ғоялар ҳафталиғи доирасида ўтказилган Халқаро робототехника муسابасида ҳам Ислон ҳамкорлик ташкилотига аъзо 25 та мамлакатдан келган 500 нафар иштирокчи орасида юртимиз ёшлари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни кўлга киритди.

Пандемия шароитига қарамай, ана шўндай ёшларни кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида жорий йилнинг ўзида Ўзбекистонда коронавирўс инфекцияси оқибатларини юмшатишга қаратилган “Covid-19 challenge 2020” инновацион воситалар ва ечимлар онлайн танлови, инновацион ғояларига эга талабалар, ёш олимлар, ташаббускор фуқароларни излаб топиш ва рағбатлантириш мақсадида “Инновацион ғоялар етакчиси” кўкрак нишонини учун ҳамда энг яхши 20 та стартап лойиҳалар танлови бўлиб ўтди.

Бугун Ёшлар академияси томонидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг аксарияти ҳўудларда ўғил-қизларнинг интеллектуал, илмий, ижодий салоҳиятини ошириш, уларни жамятга олиб борилаётган ислохотларнинг фаол етакчиларига айлантиришга қаратилган. Ана шў мақсадда ҳўкумат қарори билан бугун республикамизнинг ҳар бир ҳўудидида босқичма-босқич Ёшлар техноарқлари ташкил этиляпти. Чекка ҳўудларда истиқомат қиладиган йигит-қизларни мамлакатимиз ривожланиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган соҳа ва йўналишлар бўйича ўқитишга қаратилган “Технобус” инновацион таълим автобуси фаолияти йўлга қўйилди. Ундаги илк маҳорат дарслари Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳри ҳамда Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги иқтидорли ёшлар учун ташкил этилди.

Бўндан ташқари, Инновацион ривожланиш вазирлиғи томонидан 40 ёшгача бўлган олимларни рағбатлантириш, уларнинг илмий фаолиятига кўмаклашиш мақсадида янги тизим ишлаб чиқилди. Унга кўра, “Scopus” халқаро илмий маълумотлар базасида энг юқори Хири индексига эга олимларни йил якунида эришган натижалари асосида пул мукофоти билан моддий рағбатлантириш кўзда тутилган.

— Оддий қишлоқ мактабининг халқаро мақомга эга бўлиб, жаҳонга танилишида Тўхтамурод аканинг ҳиссаси ва меҳнати беқиёс, — дейди “Меҳнат шўхрати” ордени соҳиби Темуру Рўзиев. — Юртга садоқат билан хизмат қилишни мақсад билган устоз бутун умрини ёш авлод таълим-тарбиясига бағишлади. Олис туманда жойлашган мактабини бутун мамлакатга танитди. Шу боис, Тўхтамурод аканинг бу меҳнатлари давлатимизнинг яна бир юксак мукофоти — “Буюк хизматлари учун” орденига муносиб кўрилди.

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК

Мақтаб фаолияти билан яқиндан танишиш асносида ўз касбининг жонқуяр муаллимлари билан сўхбатларимиз ўзаро фикр алмашиш, илгор тажрибаларни оммалаштириш ҳўсусида кечди. Кези келганда, шўни ҳам айтиш керакики, Халқаро математика мактаби ва Ички ишлар вазирлиғи академияси ўртасида бир неча йилдан бўён ижодий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ушбу таълим масканида билим олган бир қанча иқтидорли ёшлар академияни муваффақиятли тамомлаб, айни пайтда республикамиз ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органлари сафиди самарали хизмат қилмоқда. Халқаро мактаб жамоаси улар билан доимо фахрланади.

Президентимиз ташаббуси билан мактабнинг янги биносида қурилиш ишлари якунланиш арафасида турибди. Мақтаб ҳадемай номига муносиб, замонавий биного эга бўлади. Келажакда шў ернинг ўзида олий таълим муассасасини ташкил этиш ва замонавий кластер усулида кадрлар тайёрлаш режалаштирилмоқда.

Мақтаб ўқувчиларининг хорижий тилларда бе-малол сўзлай олишларини кўриб ҳам ҳайратландик, ҳам қувондик. Чўнки улар бу ерда хорижий тилларни билиш даражасини аниқлаштирувчи IELTS дастури асосида таълим олишмоқда. Сўхбатларимиз асносида уларнинг келажакда янги Ўзбекистоннинг муносиб эгалари ва бунёдкорлари бўлишларига ишончимиз янада ортди.



АЛИШЕР НАВОЙИНИНГ ИЖОДИЙ МЕРОСИНИ ЧУҚУР ЎРГАНИШ ВА ОММАЛАШТИРИШГА УЛКАН ХИССА ҚЎШГАН МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ФУҚАРОЛАРИНИ ҲАМДА ИЛМҲИЙ ИЖОДИЙ МУАССАСАЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ МАҚСАДИДА АЛИШЕР НАВОЙИ ОРДЕНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ЮЗАСИДАН ТАКЛИФ КИРИТИЛИШИ НАВОЙИШУНОС ОЛИМЛАР УЧУН ҲАМ МУҲИМ РАҒБАТ НАМУНАСИ БЎЛДИ.

Бошланиши 1-бетда

Жорий йилнинг 19 октябрь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорнинг ўзбек тили байрами арафасида эълон қилинганида ажиб бир рамзийликни кўраман. Бу рамзийлик мумтоз ўзбек адабий тилида улуг ижодий кашфиётлар қилган, туркий халқлар адабиётининг бош манбаи бўлган Ҳазрат Навоийга эҳтиром, энг аввало, ўзбек тилига, ўзбек маданиятига эҳтиром эканида намёнён бўлади.

Қарорда буюк шоирнинг абадиятга дахлдор асарларини ўрганиш, уларнинг мукамал наشريни тайёрлаш масалалари билан биргаликда навоийшунослик илмининг кейинги ривожланиш босқичларига ҳам тизимли ва илмий жиҳатдан асосланган ҳолда ёндашилган.

Шунингдек, Алишер Навоийнинг ижодий меросини чуқур ўрганиш ва оммалаштиришга улкан ҳисса қўшган маҳаллий ва хорижий давлатлар фуқароларини ҳамда илмий ижодий муассасаларни тақдирлаш мақсадида Алишер Навоий орденини таъсис этиш юзасидан тақлиф киритилиши навоийшунос олимлар учун ҳам муҳим рағбат намунаси бўлди. Алишер Навоий орденининг таъсис этилиши янги Ўзбекистон ўз давлатчилиги тараққиётини илм-маърифат ва маънавий юксалиш билан чамбарчас белгилаётганининг ёрқин ифодасидир.

Шу билан бирга, хорижий давлатларда сақланаётган, Алишер Навоий қаламига мансуб ва у яшаган даврга оид қўлёзмаларнинг факсимиле нусхаларини мамлакатимизга олиб келиш чоралари кўрилиши навоийшунослар олдига улкан масъулият турганини ҳам эслатади. Чунки янги нусхаларни ўрганиш, талқин ва тадқиқ этиш ишлари адабиётшуносликнинг янги-янги ўққлари очилишига имкон яратяди.

Бу қарор бошқа илмий марказлар қатори Самарқанд давлат университетида фаолият юритаётган олимларни ҳам илҳомлантириб, масъулиятини ўн чандон оширди. Чунки она тилимиз ва халқимиз шухратини оламга ёйган қайси улуг ахдодимизнинг ҳаёт йўлига назар ташламайлик, Самарқанд шаҳри, Самарқанд муҳити, Самарқанд мактаби бу зотларнинг умр йўлларида муайян мақомага эга эканига гувоҳ бўламиз. Одам уш-шуаро Рудакий ва Имом Бухорийдан бошлаб сохибқирон Амир Темур ва Мирзо Улугбеккача. Мавлоно Абдурахмон Жомий ва Хожа Ахор Валийдан тортиб, Мир Алишер Навоий ҳамда Мирзо

Бобургача ўз қисматини Самарқанд тақдири билан муштарак, деб билган, илм-фан, дину диёнат, маданият ва санъатнинг бешиги бўлган бу муқаддас маконга ҳамиша ўз эҳтироmlларини изҳор этиб турган. Ўз навбатида, Самарқанд ахли ва Самарқанд мактаби намояндалари бу улуг зотларнинг шухратини оламга ёйишга баҳолиқудрат ҳисса қўшган.

Шу жиҳатдан, миллий маънавиятимизнинг яловбардори, ўзбек мумтоз адабиётининг асосчиси Мир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда самарқандлик олимларнинг ҳиссаси бекиёс. Алишер Навоийнинг сиёсий фаолиятини ёритувчи илк тарихий манба Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асари бўлса, унинг ижодий фаолияти ва шоирлик салоҳияти ҳақида қимматли маълумот берувчи илк манба муаллифи самарқандлик бошқа бир шоир ва олим Давлатшоҳнинг “Тазкират уш-шуаро” тазкирасидир.

Самарқандлик бу икки олим ҳали Мир Алишер ҳаётлиги пайтидаёқ навоийшуносликни бошлаб берган ва ушбу анъана асрлар давомида бошқа олимлар томонидан изчил давом эттириб келинмоқда.

XX асрнинг биринчи чорагидан навоийшунослик фаннинг алоҳида тармоғи сифатида шакллана бошлади. Қамол қониқчи билан қайд қилиш лозимки, Алишер Навоий ҳақидаги дастлабки мақола ва тадқиқотлар айнан Самарқанд илмий ва адабий мактаби намояндалари томонидан яратилди.

Навоийга муносабат, Навоий шахсига эҳтиром шўролар замонидан бирдан ижобий тус олган эмас. Айрим олимлар “Навоий каби сарой шоирларининг услублари асримиз завқига ҳам, эҳтиёжига ҳам тамомила яроқсиздир”, деган фикрда бўлган пайтда Абдурауф Фитрат ва Вадуд Маҳмуд каби миллат фидойилари Навоийга “ўзбек шоирларининг бобоси”, Навоий яшаган даврга эса адабиётимизнинг “биринчи олтин даври” деб ҳақоний баҳо беришга журъат қилганлар.

Кейинчалик бу жараёнда Саҳриддин Айний, Абдурахмон Саъдий, Воҳид Абдуллаев қўшилиб, Самарқандда том маънодаги навоийшунослар мактабига асос солдилар. Саҳриддин Айний тожик тилида “Алишер Навоий” монографиясини яратиш баробарида “Ҳамса”нинг қисқартirilган наشريни тайёрлаган бўлса, Абдурахмон Саъдий Навоий ижодининг умумфалсафий ва бадий маҳорати масалаларини ўз докторлик диссертациясида асослаб беришга ҳаракат қилган. Айниқса, аллома Воҳид Абдуллаевнинг “Навоий Самарқандда”

Алишер Навоийнинг сиёсий фаолиятини ёритувчи илк тарихий манба Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асари бўлса, унинг ижодий фаолияти ва шоирлик салоҳияти ҳақида қимматли маълумот берувчи илк манба муаллифи самарқандлик бошқа бир шоир ва олим Давлатшоҳнинг “Тазкират уш-шуаро” тазкирасидир. Самарқандлик бу икки олим ҳали Мир Алишер ҳаётлиги пайтидаёқ навоийшуносликни бошлаб берган ва ушбу анъана асрлар давомида бошқа олимлар томонидан изчил давом эттириб келинмоқда.

Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига

САМАРҚАНД НАВОЙШУНОСЛИК МАКТАБИ

номли тадқиқоти ўз даврида катта воқе-лик ҳисобланиб, бугунги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда.

Воҳид Абдуллаев тадқиқотида Алишер Навоийнинг Самарқандда тўрт йил яшагани, Самарқанд ва Мовароуннаҳрнинг қатор шоирлари ва олимлари билан ижодий мулоқотда бўлгани, Самарқанддан олган таассуротлари кейинги ижоди-га самарали таъсир этиб, гўзал шеърлари ва дostonларига манба сифатида хизмат қилгани илмий далиллар асосида исботлаб берилган. В.В.Бартольд ва бошқа шарқшунослар бу даврда Самарқандда илм-фан, маданият инқирозга юз тутган, Ҳиротда эса, ақсинча, ривожланган, деган фикрни илгари суришган.

В.Абдуллаев ўз тадқиқотида аниқ факт ва далиллар асосида XV асрнинг 50-60 йилларида Самарқандда маданий-адабий муҳит анча жонлангани, ақсинча Абусаид мирзо давридаги Ҳирот зиддиятлар ўчоғига айланган қолгани, шу боис, илм ва адабиёт намояндалари Ҳиротдан Самарқандга интиланларини исботлаб берган.

Бу устозларнинг давомчилари Содиқ Мирзаев, Ботирхон Валихўжаев, Раҳмонқул Орзобеков ва бошқаларнинг тадқиқотларида ҳам Навоийнинг шахсияти, ижоди ва дунёқарашининг турли қирралари тадқиқ этилди. Содиқ Мирзаев ўз номзодлик диссертациясида Навоий арузи ҳақида тадқиқот олиб бориб, аруз вазининг замоний ўтгани, “шоирлар энди аруз вазиндан эскилик сарқити сифатида тезроқ қутулишлари лозим” маъносидати “башорат” ва “кўрсатма”лар берилаётган даврда Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асари ҳамда лирик меросининг куллитини тадқиқ этди. Навоийнинг хизматлари натижаси ўлароқ, аруз туркий тилга тўлиқ мослаштирилган, бу вазн тизими ўзбек тилининг фонетик ва фонологик тарихий ўзгармасдан келишида муҳим роль ўйнаганини илмий жиҳатдан асослаб берди.

“Навоий лирикаси-га вазн кўрсаткичи” деб номланган диссертация иловаси 147 бетдан иборат бўлиб, унда адабиётшуносликда биринчи марта Алишер Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний” куллитига қирувчи тўрт девоннинг ҳар биридаги лирик жанрнинг вазн хусусиятлари ўрганилган. Ушбу кўрсаткичлар кейинчалик “Ҳазойин ул-маоний”нинг академик наشري учун асос қилиб олинди.


Академик Ботирхон Валихўжаев ижодининг ўқтомирини Навоий мавзуси ташкил этади, десак янгилимаган бўламиз. Адабиётшуносликни мумтозлик даражасига кўтарган захматқаш олим деярли барча тадқиқотларида Навоийнинг шахсияти, ҳаёти ва фаолиятига муносабат билдириб келган.

Бу хулоса, қузатув ва умумлашмалар кейинчалик икки жилдлик “Ўзбек адабиёти тарихи” ўқув қўлланмаси, Хожа



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2020 йил 23 октябрь, 203-сон




Ахор Валий ҳақида ёзилган “Буюк маънавий мурийд”, шунингдек, “Мумтоз сиймолар” китобида ўз аксини топди. Б.Валихўжаев учун Навоий номи Самарқанддек азиз ва табарруқ. Бу икки тушунчани боғловчи ҳар қандай далил, ҳар қандай кичик деталь олимнинг диққат марказидан четда қолмади.

“Мулоқот” журналида эълон қилинган “Алишер Навоийнинг Самарқанддаги қадамжолари” мақоласида Навоий Самарқандда таълим олган мадрасалар ҳақида маълумот берилган бўлса, “Ўзбек адабиёти тарихи” китобида Навоий ва Самарқанд адабий муҳити масаласи янги фактик материаллар ва хулосалар билан бойитилди.

Раҳмонқул Орзобеков ўз тадқиқотларида Навоийнинг бой ва бетакорр бадий-эстетик олами, бу муаззам ижодкорнинг кейинги давр адабий жараёнига кўрсатган ижобий таъсири, Навоийдан илҳомланган шоир ва адибларнинг ижодий мероси тадқиқига эътибор қаратди. Бу тадқиқотлар Самарқанд илмий муҳитидаги қиёсий адабиётшуносликнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатди.

Тарихий манбалардан маълумки, Алишер Навоий улкан мутасаввиף шоир Фаридуддин Атторнинг “Мантиқ ул-тайр” достонини олти ёшида ёд олиб, умр бўйи унинг таъсирида юрган ва олтимши ёшларида, яъни умрининг охирида “Лисон ул-тайр” асарини ёзиб, устозга чуқур эҳтиром кўрсатган.

Алишер Навоий асарларининг тил хусусиятларини ўрганиш масаласи ҳам



Алишер Навоийнинг ижодий меросини чуқур ўрганиш ва оммалаштиришга улкан ҳисса қўшган маҳаллий ва хорижий давлатлар фуқароларини ҳамда илмий ижодий муассасаларни тақдирлаш мақсадида Алишер Навоий орденини таъсис этиш юзасидан тақлиф киритилиши навоийшунос олимлар учун ҳам муҳим рағбат намунаси бўлди. Жаҳон тажрибасига кўра, орден ва медаллар давлатчилиги тарихида муҳим ўрин эгаллаган саркардалар, давлат арбоблари номи билан таъсис этилади. Алишер Навоий орденининг таъсис этилиши – янги Ўзбекистон ўз давлатчилиги тараққиётини илм-маърифат ва маънавий юксалиш билан чамбарчас белгилаётганининг ёрқин ифодасидир.

самарқандлик олимларнинг доимий диққат марказида бўлган. Қ.Мухиддинов, Х.Дониёров, У.Санақулов, И.Носиров, З.Ҳамидов каби тилшунос олимлар Навоий асарларининг лексик-семантик хусусиятларини тадқиқ этишга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Хусусан, Худойберди Дониёров 1960-йилларнинг охирида навоийшуносликнинг энг муҳим қисмларидан бири бўлган Алишер Навоий асарларининг тили ва услуби масалаларини кенг

қўламда тадқиқ этишни бошлаб берди.

1968 йилда қаламга олинган “Навоий тилининг диалектал асосларини ўрганиш масаласига доир” мавзусидаги мақолада олим Алишер Навоий асарларининг қайси туркий лаҳжа ва шеваларга асослангани масаласини батафсил таҳлил этади. Навоий ўз асарларида тез-тез қайд қилганидек, унинг асарлари “Хитодин то Хоросон”га қадар тарқалган туркий эл, уруғ ва халқларнинг барчаси учун умумий бўлган адабий тилда ёзилган, шу сабабли, олимнинг фикрича, бу адабий тилнинг диалектал манбалари ўлароқ Марказий Осиё худудида тарқалган қарлук, ўғуз ва қипчоқ лаҳжалари бирдай хизмат қилган.

Х.Дониёровнинг “Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили” номли илмий рисоласида Марказий Осиё жүрғофиясида XI асрда шаклланган адабий тилнинг XV асрда улуг шоир ва мутафаккир томонидан дунёнинг энг ривожланган ва нафис адабий тиллари даражасига олиб қилингани, шу боис, эски ўзбек адабий тили то XIX асрнинг иккинчи ярмига қадар нафақат ўзбек этноси, балки бошқа қардош туркий халқлар учун ҳам муштарак адабий тил вазифасини бажариб келганлиги хусусиди қарашлар олға сурилади.

Алишер Навоийнинг тилшунослик ва услубшунослик борасидаги қарашлари Х.Дониёровнинг “Эски ўзбек тили ва қипчоқ диалектлари” мавзусидаги китобида теран таҳлил қилиб берилган. Бу таҳлиллар якунида олим: “Алишер Навоийнинг “Мухожамат ул-луғатайн” номли машҳур асари унинг умри давомида қилган илмий-ижодий меҳнатининг самараси, тилшуносликка оид илмий-назарий фикрларининг яқини ва натижасидир. Бу асар тилшунослигимиз учун катта бир маданий мерос ва туганмас ҳазинадир”, деган чуқур мантиқий-илмий хулосани чиқаради.

Навоий асарлари тили ва услубини ўрганишнинг Худойберди Дониёров бошлаб берган аъёнасини СамДУ профессорлари У.Санақулов ва С.Каримов давом эттирди. Профессор И.Мирзаев эса Е.Э.Бертельс, В.В.Бартольд каби шарқшуносларнинг Навоий ҳақидаги асарларини ўзбек адабий тилига таржима қилган ҳолда кенг илмий жамоатчилиқни бу ноёб ва теран илмий асарлар билан таништирмоқда.

Самарқанд навоийшунослик мактабиди қамол касб этиб, аммо Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги илмий марказларда фаолият юритган ва юритаётган

олимлар ҳақида ҳам кўп ва ҳў гапириш мумкин. Уларнинг бу соҳадаги изланишлари ва тадқиқотларини алоҳида эътироф этган ҳолда бемалол айтиш мумкинки, мустақилликдан кейин ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасида қузатилгани каби Самарқанддаги навоийшунослик мактаби ҳам ривожланишнинг янги палласига қадам қўйди.

Навоий асарлари бўйича учта докторлик (М.Мухиддинов, Ш.Сироҷиддинов, Д.Салоҳий) ва бир нечта номзодлик диссертацияси ёқланди, ўнлаб китоб ва монография, ўқув қўлланма ва дарслик нашр этилди. Бу йўналишда Ш.Сироҷиддиновнинг “Алишер Навоий” монографияси 1-даражали мукофотга лойиқ топилгани Алишер Навоий сиймоси ва ўзбек тили бир-бирига чамбарчас боғлиқ мавзулар эканига далолат бўлди.

Республика миқёсида навоийшуносликнинг долзарб масалаларига бағишланган турли илмий-амалий конференциялар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Самарқанд давлат университети филология факультетида “Темурийлар даврида яратилган “Ҳамса”ларнинг компаративистик тадқиқи” мавзусида фундаментал тадқиқот олиб боришмоқда.

Фундаментал лойиҳа ижроси доирасида 2020 йилнинг 6-7 ноябрь кунлари Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги олдидан “Темурийлар даврида яратилган “Ҳамса”ларнинг компаративистик тадқиқи ва уларнинг Шарқ адабиёти тараққиётидаги ўрни” мавзусидаги халқаро илмий-назарий анжуман ташкил этилиши қутилмоқда. Мазкур конференцияда қатнашиш истагини билдириб, АҚШ, Ҳиндистон, Озарбайжон, Туркия, Тожикистон каби мамлакатлардан етуқ олимлар мақолалар юборгани бундан бўён жаҳонда Ўзбекистон илм-фанини Навоийсиз тасаввур этиб бўлмаслигига ёрқин далилдир.

Қарорда белгиланишича, келгуси йили май ойида Самарқанд шаҳрида улуг шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган республика илмий-амалий анжумани ўтказилади.

Шунингдек, қарорда Ҳазрат Навоийга маънавий ота ва устоз мақомида бўлган Фазлulloҳ Абуллайс Самарқандийнинг мақбарасини обод қилиш, Навоий таълим олган мадрасани тавмирдан чиқариш ҳамда ёдгорлик лавҳаси ўрнатилиши ҳам назарда тутилган.

Ушбу вазифаларни ҳолис ва сидқидилдан бажариш Самарқанд адабий муҳитининг навоийшунослик тарихи, бугуни ва эртасидаги маъкеини, самарқандлик олимлар ва республикамизнинг бошқа илмий марказларида фаолият кўрсатаётган мутахассислар билан илмий-ижодий алоқаларни янада мустаҳкамлайди, деб ўйлайман.

Қарорда белгиланган вазифалар самарқандлик олимлардан янада кўпроқ заҳмат чекиш, илмий ҳолислик мезонлари асосида янги-янги тадқиқотларни амалга ошириш, Самарқандни том маънода жаҳон навоийшунослигининг марказларидан бирига айлантиришни талоқ қилади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим Дониёров

“Янги Ўзбекистон” газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
Бахтиёр Абдусатторов

Тахририятда келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида сақдаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. **Нашр индекси — 236. Бюроғи — 2776.**

42210 нусхада босилди. **Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.** Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар қўчаси, 1-А уй. Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Хайриддинмурод Абулфайзов
Мусаҳҳиҳ: Асолат Ҳамдуқулова
Дизайнер: Зафар Бакиров

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза якуни — 21:35 Топирилди — 23:20

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru